ПАРТИЯ БИЛАН ХАЛҚНИНГ БУЗИЛМАС БИРЛИГИ

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XXV СЪЕЗДИ ЎЗ ИШИНИ ДАВОМ ЭТТИРМОҚДА

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 54 (2949)
ЖУМА
5 март 1976 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ДОКЛАД НАШР ЭТИЛДИ

Сиёсий адабиёт нашриёти СССР Министрлар Совети Раиси А. Н. Косигиннинг «1976 — 1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» тўғрисида 1976 йил 1 мартда КПСС XXV съездида қилган докладини алоҳида брошюра тарзида босмадан чиқарди.

Брошюра кўп нусхада нашр этилди.

(ТАСС).

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXV съезди 4 март куни Москвада, Кремлдаги Съездлар саройида ўз ишини давом эттирди.

Съезд кун тартибининг навбатдаги моддасини қараб чиқишга—партиянинг марказий органларини сайлашга киришди.

СЪЕЗДИМИЗ ҚАБУЛ ҚИЛАДИГАН ҚАРОРЛАР ЯНГИ ИШЛАРГА РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ ҚУДРАТЛИ ВОСИТА БЎЛАДИ. БУ ҚАРОРЛАРНИ БАЖАРИШ ҲАР БИР КОММУНИСТНИНГ, ҲАР БИР ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ ВА БУТУН ПАРТИЯМИЗНИНГ ШОН-ШАРАФ ИШИДИР.

Л. И. БРЕЖНЕВ.

КПСС XXV СЪЕЗДИ ЯНГИ ЗАФАРЛАРГА ЧОРЛАМОҚДА

● ЙИЛЛИК ПЛАН—МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

ШАҲАР ИНДУСТРИЯСИ УЛУШИ

Ўзбекистон пойтахти меҳнаткашлари КПСС XXV съездини яхши меҳнат кўрсаткичлари билан кутиб олдилар. Шаҳардаги саноат, транспорт ва алоқа корхоналари коллективлари саноат маҳсулоти реализация қилиш бўйича 1976 йил январь—февраль ойлари планини 103,9 процент бажардилар. Меҳнат унумдорлиги топшириққа нисбатан 102,6 процентни ташкил этди. Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 107,7 процентни ташкил этди, меҳнат унумдорлиги эса 1975 йил январь—февраль ойлари билан солиштирганда 6 процент ўсди.

Товар маҳсулот реализация қилиш бўйича топшириқларни шаҳардаги барча районлар, шунингдек, барча саноат корхоналари бажардилар.

Шаҳар районларида саноат ишлаб чиқариши планининг бажарилиши ва ўсиш суръати қуйидаги далиллар билан характерланади:

(биринчи стун— 1976 йил февраль ойида саноат маҳсулоти реализация қилиш планининг бажарилиши проценти; иккинчи стун — шу йилнинг январь —февраль ойларида; учинчи стун— 1976 йилнинг январь—февраль ойларида 1975 йилнинг шу даврига нисбатан процент ҳисобида; тўртинчи стун — 1975 йилга нисбатан меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръати; бешинчи стун — 1976 йилнинг январь—февраль ойларида ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши 1975 йилнинг шу даврига нисбатан процент ҳисобида, олтинчи стун—маҳсулот реализация қилиш бўйича социалистик мажбуриятларнинг январь—февраль ойларида бажарилиши (процент ҳисобида):

Шаҳар бўйича жами:	104,1	103,9	107,3	106,0	107,7	85,1
Киров райони	104,3	104,4	103,4	107,5	108,5	105,8
Куйбишев райони	102,4	102,1	103,4	103,6	105,9	56,2
Ленин райони	105,4	104,8	107,3	107,4	108,0	111,9
Октябрь райони	105,7	105,1	107,1	103,2	104,6	115,7
Собир Раҳимов райони	105,3	104,7	107,3	105,8	109,5	104,1
Сергели райони	103,6	103,6	111,8	106,0	111,4	85,4
Фрунзе райони	102,8	102,7	104,3	104,6	104,2	106,8
Чилонзор райони	104,7	104,8	113,9	104,7	109,6	110,7
Ҳамза райони	105,1	104,8	110,0	108,3	109,7	68,6

Йилнинг икки ойи мобайнида Тошкент саноати планга қўшимча 14 миллион 430 минг сўмлик маҳсулот реализация қилди. Шу жумладан, Киров райони 1.498 минг сўмлик, Куйбишев райони 1.593 минг сўмлик, Ленин райони 1.997 минг сўмлик, Октябрь райони 1.157 минг сўмлик, Собир Раҳимов райони 1.214 минг сўмлик, Сергели райони 712 минг сўмлик, Фрунзе райони 1.425 минг сўмлик, Чилонзор райони 830 минг сўмлик, Ҳамза райони 4.004 минг сўмлик планга қўшимча маҳсулот реализация қилди.

Трактор, «Ташэлектромаш», асбобсозлик, «Тошкенткабель», грампластинкалар, электрон техника, экскаватор, экспериментал мармар, «Таштекстильмаш», «Компрессор», чинни заводлари; 2-тикув фабрикаси, офсет-босма, бадиий буюмлар, кўн-галантерея буюмлари, юқори трикотаж фабрикалари, «Тошкентвино», қурилиш материаллари, ёғ-мой комбинатлари ва бошқа корхоналар ишлаб чиқариш ҳажмини ўстиришда юксак суръатларга эришдилар.

Кўпгина корхоналар ўзаларининг шартномадаги мажбуриятларини бажара бориб, муҳим халқ хўжалиги буюмларни ишлаб чиқариш бўйича топшириқларни муваффақиятли уддаладилар. Меҳнат календарида — март. КПСС XXV съездига бағишланган ва юксак меҳнат натижаларини қўлга киритиш имконини берган зарбдор вахта муваффақиятли давом этмоқда.

Тошкент меҳнаткашлари КПСС XXV съезди қарорларини ўзларининг жанговар программаларидай қабул қилдилар. Улар 1976 йил учун қабул қилинган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажаришга қатъий аҳд қилишган. Индустрия ходимларининг бурчи—мусобақада янги марраларни қўлга киритишдан, фан-техника тараққиёти учун, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва шу асосда март ойи ва биринчи квартал планларини муваффақиятли бажариш учун курашишдан, иккинчи кварталнинг дастлабки кунлариданоқ планли ва унумли меҳнат қилиш учун яхши замин яратишдан иборат.

ИФТИХОР ТУЙҒУЛАРИ БИЛАН

«Таштекстильмаш» заводининг цехларида ва ётоқхоналарида шу кунларда икки юздан зиёд пропагандист, сиёсий ахборотчи ва агитатор КПСС XXV съездига бағишланган суҳбатларни ўтказишмоқда. Улар КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг докладида партия билан мамлакат олдига қўйилган улуғвор вазифалар тўғрисида машинасозларга ифтихор туйғуси билан гапириб бермоқдалар. СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ А. Н. Косигиннинг докладида баён қилинган 1976 — 1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ишчиларнинг зўр қизиқишига сазовор бўлмоқда.

Халқ моддий ва маданий даражасини ошириш йўлини изчиллик билан амалга ошириш партиянинг ўнинчи беш йилликдаги асосий вазифаси қилиб қўйилганлиги ҳаммамизни қувонтирмоқда, деди темирчи Қодир Қосимов. — Биз ана шу буюк мақсад йўлида саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг миқёсларини кенгайтиравермиз, янги техника жорий этилаверади, халқ хўжалигини бошқариш системаси такомиллаштирилаверади. А. Н. Косигин муфассал тўхталиб ўтган вазифаларнинг муваффақиятли бажарилишидан бизларнинг ҳар биримиз астойдил манфаатдормиз. Партия режаларини зарбдор меҳнатимиз билан бажарамиз. — Бизнинг қатъий сўзимиз шу. Шахсан менинг ўзим беш йилликда икки — беш йиллик топшириғини бажариш мажбуриятини олдим. Мен йил бошидан буён мўлжалланган график асосида тез суръатлар билан ишламоқдаман ҳамда яхши сифатли буюмлар чиқарилишини таъминламоқдаман.

Завод инженер-техник ходимлари съезд ҳужжатларини қўлларига қалам олиб ўрганиб чиқмоқдалар.

— Алексей Николаевич Косигин қилган докладнинг ҳар бир сатри замирида партия ўнинчи беш йилликка белгиланган бунёдкорлик кучларининг кенг кўлами яққол кўриниб турибди, деди бош металлург бўлимининг етакчи конструктори Маҳкам Худойберганов ўзининг дастлабки таассуротларини изҳор этиб, —бу беш йиллик эса биз, инженер-техник ходимлардан алоҳида куч-ғайрат билан меҳнат қилишни талаб этади. Ахир ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ва маҳсулот сифатини ошириш дадил инженерлик ечимларини, фан ва техника эришган муваффақиятларни аниқ ҳисобга олишни талаб этади.

Маҳкам Худойберганов завод инженерларининг ижодий фикрлари тўғрисида мароқ билан гапиради. Майда деталларни қолиплайдиган автомат линияни ўрнатишга тайёргарлик кўрилмоқда. Бу автомат линия меҳнат унумдорлигини 40 процент ошириш имкониятини беради. Тўқимачилик машиналарининг кўпгина деталларини чўяндан эмас, алюминийдан ва пластмассадан тайёрлаш каттагина самара беради. Механика цехларида юқори унумли агрегат станоклари ва программа билан бошқариладиган станоклар жадал жорий этилмоқда.

— Биз партиянинг барча йўл-йўриқларини муваффақиятли бажариш учун ишчилар билан биргаликда қўлимиздан келган ҳамма ишларни қиламиз, — деди инженер-конструктор.

ЎзТАГ.

Тошкент бадиий буюмлар фабрикасининг коллективи ўнинчи беш йилликда халқимиз дидига мос товарларни кўплаб ишлаб чиқариш, маҳсулот сифатини янада яхшилаш ва самарадорликни ошириш борасида катта режаларни амалга оширяпти.

СУРАТДА: корхона попоп цехининг ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли адо этаётган илғор комсомол-ёшлар бригадаси аъзоларидан (чапдан-ўнгга) З. Содиқова, Ф. Матўхтаева, М. Рауфова, М. Азимова ва З. Файзиева.

Юксалиш йиллари

Барча совет кишилари сингари бригадамиз бинокорлари ҳам шу кунларда партиямиз XXV съездини катта қувонч туйғулари билан кузатиб турибдилар. Съезд қабул қилаётган қарорларда Ватанимизнинг яна ҳам порлоқ истиқбол сари юксалиш йўллари белгилаб берилмоқда. Жумладан 1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишларида **«Янги беш йилликда мамлакатда уй-жой қурилиши оммавий равишда давом эттирилаверади. Партия ишчилар синфи, деҳқонлар, зиёлиларнинг уй-жой шароитларини яхшилашни халқ фаровонлигини ошириш ишидаги бош вазифалардан бири деб ҳисоблайди. Шу йиллар давомида 545—550 миллион квадрат метр умумий саҳнга эга бўлган уй-жой бинолари қуриб битказилади, уй-жой қурилиши сифати оширилади, уй-жойларнинг қулайлиги ва тузилиши яхшиланади»** деб кўрсатиб ўтилган. Партиямиз XXV съезди ишида айтиб ўтилган бу муҳим кўрсатмалар биз бинокорлар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

Янги беш йиллик сифат ва самарадорлик беш йиллиги деб эълон қилинган экан, пойтахтимиз — Тошкентда қурилаётган уйларнинг яна ҳам сифатли ва қулай бўлиши учун энг яхши қурувчи коллективларини таркиб топтириш тақозо этилади. Москвалик машҳур бинокор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Николай Злобиннинг бригада пудрати асосида ишловчи бригадаларнинг яна ҳам кўпаётганлиги ана шундай коллективларнинг вужудга келишига имкон бермоқда.

Бизнинг бригадамиз коллективи ҳам ана шу методда ишлаб катта ютуқларни қўлга киритяпти. Биз съезд кўрсатмаларига амал қилиб, қурилишда меҳнат унумдорлигини юксалтириш, ишчи вақтидан унумли фойдаланиш ва қурувчиларнинг маҳорат даражасини ошириш билан ҳамшаҳарларимиз учун яна ҳам сифатли уй-жойлар, болалар боғчалари ва бошқа маданий-маиший объектлар қуришни жадаллаштирамиз.

Ҳ. ҚОРАБОЕВ,
11-«Висотстрой» трестига қарашли 17-қурилиш бошқармаси коммунистик меҳнат бригадасининг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

Самарадорлик—олимлар эътиборида

Яқинда Тошкент халқ хўжалиги институтида КПСС XXV съезди материалларини ўрганиш ва пропаганда қилишга бағишлаб Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети ва Тошкент халқ хўжалиги институти ёш олимлари Советининг илмий-назарий конференцияси бўлиб ўтди.

Конференция «Ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш масалаларига» бағишланди. Уни Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси, иқтисод фанлари доктори, профессор И. И. Искандаров кириш сўзи билан очди.

Конференцияда «Ривожланган социализм экономикасининг асосий белгилари ва хусусиятлари ва ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш проблемалари», «Ўзбекистоннинг пахта тозалаш саноатида капитал маблағларнинг асосий фонди структурасини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш масалалари», «Хўжалик реформаси ва Тошкент шаҳрининг бюджетидан неладиган даромадлар» каби мавзуларда фаннинг турли соҳа мутахассис ва олимлари 67 доклад қилдилар ва ахборотлар берилди.

Олти секцияда иш олиб борган илмий-назарий конференцияни ўтказишда институт партия ва комсомол ташкилоти катта активлик кўрсатди.

А. ШУКУРОВ.

Истиқболни кўзлаб

Биз қурувчилар КПСС XXV съезди қабул қилаётган тарихий қарорларни радиодан эшитиб, газеталардан ўқиб боряпмиз. Съездда айтиб ўтилаётган барча муҳим масалаларда аҳоли турмуш фаровонлигини янада юксалтириш учун зарур шарт-шароитларни яратишга ҳам катта аҳамият берилган. Биз қурувчилар съезд кўрсатмаларида белгиланган ана шу муҳим масалалар моҳиятини чуқур ҳис этиб, ўз ишимизда янги-янги ютуқларга интиляпмиз.

Қурилиш ишлари сифатини ошириш, съездда айтиб ўтилгандек уй-жойларнинг яна ҳам чиройли ва қулай, шунингдек, янада бежирим ва сифатли бўлишини таъминлайди. Биз пардозчилар ҳар бир қурилиш объектида иш бошларканмиз, уни юксак сифат билан ўз эгаларига топширишга ҳаракат қиламиз. Бошқармамизнинг А. Запольская, С. Мирхолдоров сингари илғор бригадалари пойтахт қурилиш коллективлари орасида катта обрў-эътибор қозонган.

Бу бригадалар фақат аъло сифатли иш бажаришмоқда. Ҳозир бу коллективлар пойтахтимизда бунёд этилаётган ТошМИ даволаш комплекслари қурилишида ҳар қачонгидан ҳам яхши суръат билан меҳнат қилишяпти. Бу бригадаларда ишлар юксак даражада яхши ташкил этилиши билан бирга, малакали пардозчи қурувчилар етиштиришга ҳам аҳамият беріляпти. Масалан, Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери С. Мирхолдоров ўз бригадасида кўплаб ёш қурувчиларни тарбиялаб, малакали пардозчилар қилиб етиштирди. Ленин ордени кавалери Анна Запольская ҳам биноларни мармар билан жилоловчи пардозчилар етиштирмоқда. Коллективимизда бундай бригадалар кўпайиб боряпти. Улар Тошкентда қурилаётган биноларни янада сифатли қилиб бунёд этишга ҳиссаларини қўшадилар.

А. ЖАМОЛОВ,
Пардозлаш трестига қарашли 29-қурилиш бошқармасининг участка бошлиғи.

Тонгги газеталарда

▲ 4 мартда Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXV съезди ишида қатнашаётган социалистик мамлакатлар қатор коммунистик ва ишчи партиялари делегацияларининг раҳбарлари КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев ва КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолигига кандидатлар, КПСС Марказий Комитети секретарлари билан учрашдилар. Учрашув самимий, қардошларча вазиятда ўтди.

▲ Кеча Кремлдаги Съездлар саройида берилган концерт шонли ленинчи партиямизга, буюк Ватанимизга, коммунизм бунёдкорлари — совет кишиларининг қаҳрамонона зафарларига тантанали гимн бўлиб янгради. Бу концерт Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXV съездига кўп миллатли совет санъати усталарининг ижодий рапорти бўлди.

Кўп миллатли совет санъати равнақини намойиш қилган тантанавор программа Р. Рождественский шеърига Г. Свиридов басталаган улуғвор «Ленинга қасида» билан тугади.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛУВЧИ КЎП БОЛАЛИ ОНАЛАРГА «ҚАҲРАМОН ОНА» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўн ва ундан ортиқ бола туғиб тарбиллаган кўп болали оналарга «Қаҳрамон она» фахрий унвони берилсин ва уларга «Қаҳрамон она» ордени ҳамда СССР Олий Совети Президиумининг Ёрлиқлари топширилсин.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ БЎЙИЧА:

1. **Аҳмедова** Донма —уй бекасига.
2. **Қосимова** Маҳбуба — уй бекасига.
3. **Нурмуҳамедова** Хабира Раҳмоновна — уй бекасига.
4. **Расулова** Мамлакат — уй бекасига.
5. **Турсунова** Қутби — уй бекасига.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1976 йил. 27 февраль.

ЗАРБДОРЛАР АҲДИ

Ойна-мебель фабрикасининг коллективи томонидан КПСС XXV съезди шарафига қабул қилинган мажбурият 15 минг сўмга ошириб бажарилди. Республикадаги мебель корхоналари адресига 19500 квадрат метр кўзгу, 21500 квадрат метр силлиқланган мебель ойналари юборилди.

Фабрикада бир беш йиллик топшириқларини бажариш бўйича ўнлар ташаббусига қўшилган сайқалчилар А. Жданова, И. Чехов, кесувчилар Л. Тулчинский, М. Худойбергановлар каби меҳнат пешқадамлари биринчи квартал шахсий топшириғини адо этиш билан барча маҳсулотларни биринчи тақдимдаёқ юқори сортларга топширдилар.

Шаҳримиз меҳнаткашлари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXV съездининг ишини диққат билан кузатиб бормоқдалар. Съезд материаллари зўр қизиқиш билан ўрганилмоқда.

СУРАТДА: ойна-мебель фабрикаси илғор сменасининг бошлиғи С. Тўрабоев ишчиларни съезд материаллари билан таништирмоқда.

М. Нуриддинов фотолари.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

▲ БРАТИСЛАВА. Братиславада чиқадиган «Правда» газетаси А. Н. Косигиннинг КПСС XXV съездида қилган докладини шарҳлаб, қуйидагиларни ёзди: социалистик жамиятни коммунизм йўлидан тобора ривожлантириш планини Совет давлати тарихидаги энг буюк ва ғоят кенг план деб таърифлаш мумкин. Бу план КПСС иқтисодий сиёсатининг асосий мақсадини ифода этади. Бу мақсад — халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида ижтимоий ишлаб чиқаришни тез ва пропорционал ривожлантириш ҳамда унинг самарадорлигини ошириш негизида, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, меҳнатнинг сифатини ҳар томонлама яхшилаш негизида совет халқининг моддий ва маданий эҳтиёжларини тўлароқ қондиришдан иборат.

▲ ХАРТУМ. Суданнинг йирик саноат марказларидан бири Атбар шаҳрида совет китоблари виставкаси очилди. Китоблар сотиладиган бу виставка КПСС XXV съездига бағишланди. Виставкани Суданнинг «Панорама букшоп» китоб савдоси фирмаси ва Бутуниттифоқ «Халқаро китоб» бирлашмаси уюштирди.

▲ ВАШИНГТОН. 1 мартга қадар АҚШ аҳолиси 215 миллион 170 минг кишини ташкил этди. Аҳоли сони бир йил ичида 1 миллион 711 минг нафар кўпайди.

Кейинги бир қанча йилларда туғилишнинг камайиши натижасида аҳолининг сони кам ўсмоқда.

▲ БУЭНОС-АЙРЕС. 1973 йилдаги тўнтариш натижасида ҳарбий фашист хунтаси мамлакатдаги ҳокимиятни босиб олган пайтдан буён кончилик саноатида банд бўлган чилилик ишчилардан 20 мингдан ортиқ киши ишдан бўшатилди.

▲ НИКОЗИЯ. Кипрнинг жануби-шарқий соҳилида жойлашган Ларнака шаҳрида совет китоблари виставкаси очилди. Томошабинлар бу виставканинг экспонатлари билан қизиқиб танишмоқдалар. В. И. Ленин асарлари, сиёсий ва бадиий адабиётлар, КПССнинг XXV съездига бағишланган материаллар виставкага қўйилган.

(ТАСС).

●Беш йиллик одимлари

Коммунистлар авангард

Тошкент гўшт комбинати коллективи тўққизинчи беш йиллик мобайнида юксак унум билан меҳнат қилди. Коллектив ўзаро социалистик мусобақани авж олдириб ва ички резервларни тинмай ишга солиб, маҳсулот тайёрлаш ва реализация қилиш бўйича тўққизинчи беш йиллик топшириғини муддатидан анча аввал муваффақият билан бажарди. Беш йилликда корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 1.5 баравар ортди. Бундан ташқари меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, таннархини арзонлаштириш, рационализаторлик таклифларини ишлаб чиқаришга жорий этиш соҳасида ҳам салмоқли ютуқлар қўлга киритилди. Кейинги йилларда асосий ишлаб чиқариш участкаларида бирмунча мураккаб иш жараёнлари машина-механизмлар зиммасига юклатилганлиги тайёрланаётган маҳсулот ҳажмини кескин ошириш учун яхши шарт-шароит вужудга келтирди.

Коллективнинг тўққизинчи беш йилликда қўлга киритаётган меҳнат ютуқлари муносиб баҳоланди. Комбинат тўққизинчи беш йилликдаги социалистик мусобақада юксак натижаларга эришганлиги учун Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи даражали дипломи ва пул мукофотини олишга муваффақ бўлди.

Корхонада ишчи коллективларининг меҳнат беллашуви яхши йўлга қўйилган. Мусобақа цехлар, бригадалар, айрим ишчилар ўртасида ташкил этилган. Комбинат касаба союз комитети ва партия бюроси ҳар ойда мусобақага якун ясаб, илғорларни аниқлайди ва уларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантиради. Бу ерда барча цехларга суяги меҳнатда қотган, кўп йиллик тажрибага эга бўлган коммунистлар бошчилик қилаётганлиги ишлаб чиқаришнинг кўнгилдагидек ташкил этилишида катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Жумладан, ёғ эритиш цехининг бошлиғи Турғун Исмандиёров, мол сўйиш цехининг бошлиғи Абдулла Сайдалиев, шу цех мастери Ўктам Нурматов, колбаса цехи бошлиғи Турғун Муҳиддиновлар коллективда яхши ҳурматга эга бўлган, юқори малакали, ширинсуҳан ва камтарин мутахассислардир.

Комбинатда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми йилдан-йилга ошиб бориши билан бирга, коллективни социал ривожлантириш плани ҳам муваффақиятли амалга оширилмоқда. Ишлаб чиқаришдан тушаётган соф фойданинг бир қисми ишчи ва хизматчиларнинг турмуш шароитини яхшилаш, уларнинг маданий дам олиши учун қулай имкониятлар яратишга сарфланмоқда. Тўққизинчи беш йилликда корхонадаги ишчи ва хизматчилардан 424 ишчи ва хизматчининг оиласи янги уйларга кўчишди. Комбинат шаҳарчасида иккита болалар боғчаси, медпункт, аптека, сартарошхона, иккита кутубхона, озиқ-овқат магазини аҳолига намунали хизмат қилмоқда. Куни-кеча шаҳарчада замонавий усулда қурилган янги чойхона фойдаланишга топширилганлиги ҳам ишчи ва хизматчиларнинг маиший аҳволини яхшилашда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Коллективимиз сифат ва самарадорлик беш йиллигида алоҳида ғайрат билан меҳнат қиляпти. Иш суръати ғоят яхши. Корхона маҳсулот реализация қилиш икки ойлик топшириғини муддатидан илгари бажариб, КПСС XXV съездини муносиб меҳнат туҳфалари билан кутиб олди. Коллектив сифат ва самарадорликни оширишда янги муваффақиятларни қўлга киритишга аҳд қилиб, комбинат шуҳратига шуҳрат қўшишга интилмоқда.

Ҳ. СОДИҚОВ,
комбинат бухгалтери.

Меҳнатда пешқадамлар

БУНЁДКОРЛИК ЗАВҚИ

ҚУРИЛИШ объекти ёнига енгил машина келиб тўхтади. Икки йигит машинадан тушиб объектга қараб бир дам суҳбатлашишди. Уларнинг бири бригадир Йўлдош Абдуллаев, иккинчиси ғишт терувчи Илҳомжон Файзиев эди.

— Илҳомжон, мажлисдаги гапларингиз амалда бўладими, — бригадир И. Файзиевга зимдан қараб қўйди.

— Йигит киши битта гапиради Йўлдош ака. Наҳотки коммунист бўла туриб қуруқ ваъда қилсам. Ўнинчи беш йилликни уч йилда бажаришга иродам етади.

— Офарин, ишончим комил. — Бригадир бугунги қилинажак ишлар режасини тушунтириб бетон ортилган машина томон бурилди.

Илҳомжон бинонинг учинчи қаватига кўтарилди. У табассум билан атрофга тикиларкан босиб ўтган олтин дамларини эслади.

Ғишт териш касбини эгаллаганига 22 йил бўлибди-я. Шогирдликни у Чилонзорни бунёд этишдан бошлаган. Ўшанда Илҳомжоннинг устаси Салим Қосимов бино пойдеворларининг ғиштини силлиқ ва бир текисда териш сирларини ўргатган эди.

Илҳомжон 100 га яқин мактаб қурилишида актив қатнашиб, юксак дид билан ғишт терди. «Гулистон» ресторани, Санъат саройи, институтлар, Оқтепа ва Юнусобод массивларини бунёд этишда ўз улушини қўшди. И. Файзиев 50 дан ортиқ ёш қурувчиларга севган касбини ўргатди.

Айни кунларда у 4-трест 38-қурилиш бошқармасига қарашли Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери Йўлдош Абдуллаев бригадасида меҳнат қиляпти. Бригада қурувчилари партиямиз съезди ўтаётган шу кунларда Тошкент Давлат Маданият институтининг 200 ўринли ётоқхона биносида қурилиш ишларини қизғин олиб бормоқдалар.

Трестда пешқадам ҳисобланган бригада аъзолари ўтган йили баракали ютуқларни қўлга киритдилар. «Марказ-5» кварталида бир йўла 2 та 40 квартирали уйни фойдаланишга топширишди. Бунинг устига олий ўқув даргоҳларида ҳам илмий-текшириш лабораторияларини студентларга туҳфа этдилар.

Ишчан бинокор И. Файзиев меҳнат қилаётган бригадада 33 қурувчи икки сменада зўр шижоат билан ишлайди. Илҳомжон етакчилигидаги ғишт терувчилар, Александр Кудриницкий раҳбарлигидаги дурадгорлар, Виктор Бондаренко бошлиқ пайвандчилар звеноси КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш учун, 1976 йилги халқ хўжалик планини муваффақиятли бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисида»ги қарорига жавобан кунлик нормаларини ошириб бажармоқдалар. Айниқса, Т. Оразимбетов, А. Аҳмаджонов, Х. Иброҳимов, Х. Эшонқулов, Б. Бурҳонов сингари пешқадам бинокорлар беш йилликни уч йилда бажариш иштиёқида ғайрат билан меҳнат қиляптилар.

Высоковольт массивида бунёд этилаётган уч қаватли студентлар ётоқхонаси март ойида пардозловчиларга топширилади. Студентларнинг яшаши, илм ва дам олиши учун барча қулайликлар мавжуд қилинади. Кўп ўринли ошхона ва клуб, кутубхона, махсус кийим-кечак сақланадиган, шахмат, шашка ва биллиард ўйнайдиган хоналар, зангори экран мухлислари учун кичик зал студентлар хизматида бўлади.

Коммунист Илҳомжон Файзиев келажак ҳақида, шаҳримиз истиқболи ҳақида ўйлайди, фикр қилади. У ўз ҳамкасблари билан бирга шаҳримизда уй-жой қурилишини янада кенг қулоч ёздириш мақсадида фидокорона ишлашни, сифатли кўркам бинолар қуришни истайди, юзлаб, минглаб оилалар қувончига шерик бўлишни орзу қилади...

Ф. АБДУРАҲИМОВ,
жамоатчи мухбиримиз.

Коммунист Е. Волков Тошкент экскаватор заводи механика цехининг илғор тонари. У мунтазам равишда смена-ойлик топшириқларини 130—140 процентга етказиб адо этмоқда.

СУРАТДА: Е. Волков деталь тайёрлаш пайтида.

М. Нуриддинов фотолари.

Олти юз рационализаторлик таклифи

Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг инженери Маннон Мирсоатов партия XXV съездига совға қилиб, деталларни ишлаш технологиясини такомиллаштириш юзасидан иккита рационализаторлик таклифини киритди. Бу таклифлар бир йилда юз минг сўмдан кўпроқ маблағни тежаб қолиш имконини беради.

— Ҳозир новатор корхонада ишлаган 19 йил давомида 600 та рационализаторлик таклифини киритди. Мирсоатов бу ерда ўз фаолиятини слесарликдан бошлади, сўнгра ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда Тошкент политехника институтини тамомлади.

ЎзТАГ.

ТОШКЕНТНИНГ «ДИПЛОМАТЛАРИ»

Тошкентдаги чарм-галантерея фабрикаси конвейеридан «Дипломат» деб аталган папкаларнинг дастлабки туркуми тушди. Галантерея ходимлари бу папкаларни ишлаб чиқаришда биринчи марта «Фловерлан» деб аталган локланган сунъий чармдан фойдаландилар. Бу чиройли папкалар ҳозир дўконларда сира туриб қолмайди. Корхона эндиликда республика магазинларига ана шундай буюмлардан 11 мингтадан кўпроғини чиқаради.

«Дипломат» папкаси бу йилги 80 та янгиликнинг биттаси. Бу янгиликлар орасида аёллар қўлқоплари, сурат солинган кенг тасмалар, ёшлар учун аталган сумкаларнинг бир қанча янги моделлари бор. Уларнинг кўплари чиройли гуллар билан безатилган.

Тошкентдаги галантерея корхонасининг ходимлари бу йил 7 миллион сўмлик ранг-баранг маҳсулот ишлаб чиқаришни мўлжаллаб турибдилар.

(ЎзТАГ).

●Шаҳар—қишлоққа

Дастлабки туркум

«Ўзбексельмаш» заводи мамлакат деҳқонларига чигит экадиган сеялкаларнинг бу йилги дастлабки туркумини жўнатди. Корхонада сеялкаларнинг запас қисмларини ишлаб чиқариш юзасидан биринчи квартал планини 15 мартгача бажаришга, шунингдек экиш-тикиш бошлангунга қадар энг самарали сеялкалар: чигитни тўрт қаторлаб уяларга аниқ экиб кетадиган—«СХХ-4-А1» маркали сеялкаларни ишлаб чиқаришнинг бутун йиллик программасини бажаришга аҳд қилинди.

Олинган мажбуриятга биноан биринчи кварталда бериладиган мингта (жами ишлаб чиқариладиган машинанинг қарийб тенг ярми) ана шу машиналар оддий экиш-тикиш аппаратига нисбатан анчагина сермаҳсулдир. Демак, ана шу мураккаб машиналарни ишлаб чиқариш учун кўпроқ иш вақтини тежаш керак. Худди шунинг учун ҳам 400 дан зиёд ишчилар ўзларининг шахсий мажбуриятларига йилнинг дастлабки уч ойи планини партия съезди очиладиган кунгача бажарамиз, деб ёзиб қўйдилар. Социалистик мусобақа пешқадамларининг шахсий намунаси қандай қилиб бунга эришишини кўрсатмоқда, инструментал цехининг ишчиси коммунист Аҳмаджон Сотиболдиев беш йилликнинг биринчи йили мобайнида иккита-учта касбкорни эгаллашга ўз ўртоқларини чақирди. Аҳмаджоннинг ўзи айни пайтда рандалаш ва фрезерлик станокларида ишлайди, керак бўлиб қолса термистлик қилади. У тайёрлаган деталларнинг ҳаммаси техника назорати бўлимида текшириб ўтирилмасдан, биринчи тақдим этилиши биланоқ топширилади. Ишнинг сифати ишчининг шахсий тамғаси билан гарантияланади. «Ҳурмат белгиси» орденининг кавалери А. Сотиболдиев ўзининг ишга бўлган меҳр-муҳаббати, маҳоратини шогирдларига муваффақиятли ўргатмоқда. Ўтган йили у иккита ёш шогирд етиштириб берди. Бу йил тағин учта шогирд тайёрлаш мажбуриятини олди.

Юксак натижаларга осонликча эришилаётгани йўқ, дейишади пайвандлаш цехининг энг моҳир ишчилари В. Г. Кравцов билан А. Г. Шур.

— Энг муҳими иш кунининг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланишдан, илғор иш усулларини ўзлаштиришдан, ҳар бир минутни тежашдан иборатдир. — Кравцов билан Шур сменада ўрта ҳисобда 12 тадан комплект пайванд қилишмоқда. Бундан бештаси планга қўшимчадир.

Сотиболдиев, Шур, Кравцов сингари ишчиларнинг ташаббусини қўллаб-қувватлаш уларнинг ташаббусини кенг ёйиш-заводимиз партия ташкилотининг вазифасидир, — дейди «Ўзбексельмаш» заводи партия комитетининг секретари И. И. Моисеев. — Йилнинг ўн кунлиги якунлари суръат дурустлигини кўрсатмоқда. Беш йилликнинг биринчи йили улкан хирмони учун курашнинг олдинги марраси бугун цехларимиздан ўтишини ҳар бир ишчи равшан тушунганлиги кишини қувонтиради.

ЎзТАГ.

Тошкент метрополитени қурувчилари ғайратга-ғайрат қўшиб меҳнат қилмоқдалар. Мана бу фотолавҳада сиз 5-участканинг илғор метро қурувчиларидан (чапдан-ўнгга) смена бошлиғи Г. Савушкин, П. Бондаренко ва В. Карненко ўртоқларни кўриб турибсиз. Улар смена топшириқларини мунтазам равишда ортиғи билан бажарадилар.

ДОНГДОР ИШЧИЛАР АҲДИ

Тошкент трактор заводининг ишчиси Л. Недорезов мураккаб шестерёнкани тайёрлаш учун бир минутдан ҳам камроқ вақт сарфлайди. Станокчи ҳар сменада нормадагидан қарийб икки баравар ортиқ, яъни 550—580 тадан тайёр деталь топширади. Унинг дўсти—токарь В. Романовскийнинг иш суръатлари янада юқори. У нормадаги 200 та ўрнига бир сменада 500 тадан гупчакка ишлов бермоқда.

Донгдор станокчилар ўнинчи беш йилликни икки йил ичида бажарамиз, деб сўз бердилар.

Бош мухбиримиздан

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ ХАТЛАР

●*Ҳаммаси инсон учун*

МАССИВ ЖАМОЛИ

Кўп вақтлардан бери шаҳримизда мавжуд бўлган тартибсиз қурилган, тупроқ томли, пахса деворли пастак уйлар, қингир-қийшиқ тор кўчалар ўрнида бугунги кунда кўкка бўй чўзган кўп қаватли уйлар, равон кўчаларни кўриб кишининг кўзи қувонади. Бир неча йил муқаддам шаҳар четидаги Партия XXI съезди совхозининг жойлари шаҳарликларга якка тартибда уй қуриш учун тақсимлаб берилган эди. Бу ерда янги массив ташкил этилди...

Янгиобод массивининг бугунги жамоли беқиёс даражада ўзгарди. Бу ерда саф тортган якка тартибдаги уйлар, равон кўчалар, уйлар олдидаги кўкаламзор ва гулзорларга айлантирилган жойлар кўзни қувонтиради. Хонадонларнинг замонавий уйлар қуриб олишлари учун давлат томонидан узоқ муддатли ссуда, хўжалик буюмларини ташиб келтириш учун текин транспорт хизмати, арзон баҳода қурилиш материаллари берилди.

Ҳозир Янгиобод массиви шаҳарнинг ажралмас бир қисми бўлиб қолган. Автобуслар, маршрут такси машиналари, трамвай массив аҳолисини шаҳар билан боғлаб турибди.

Минглаб хонадонларга табиий газ, водопровод киритилган ва электрлаштирилган. Массив аҳолиси фарзандларига билим бериш, уларни коммунистик руҳда тарбиялашда тўртта замонавий ўрта мактаб, кўплаб болалар боғча ва яслилари ишлаб турибди. Малакали врачлар билан таъминланган катталар ва болалар поликлиникалари, «тез ёрдам» кўрсатиш пункти, озиқ-овқат, саноат моллари билан савдо қилувчи магазинлар, маиший хизмат кўрсатиш пунктлари, умумий овқатланиш корхоналари ва бошқа кўплаб қулайликлар массив аҳолиси учун муҳайё қилинган. Буларни кўриб жонажон партиямизнинг: «Ҳаммаси инсон учун, инсон бахт-саодати учун!» деган шиори амалга оширилаётганлигининг гувоҳи бўласан, киши. Бунинг учун Коммунистик партияга ва Совет ҳукуматига чексиз миннатдорчилик билдиргинг келади.

Турли касб эгалари кунлик баракали меҳнатдан қайтгач, «Зангори экран» орқали шаҳримиз, республикамиз, мамлакатимиз ва жаҳон мамлакатларида юз берган кундалик воқеликдан хабар топадилар. «Зангори экран» орқали совет кишилари Коммунистик партия раҳнамолигида кун сайин бахтли турмуш эгаси бўлаётганликларини ҳис этиб, беҳад қувонамиз.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг КПСС XXV съездига ҳисобот докладини телевизор орқали кўриб, эшитар эканман, ўнинчи беш йилликда совет халқининг фидокорона меҳнати туфайли мамлакатимиз куч-қудрати, бойлиги нақадар ортишини яққол ҳис этдим. Бу куч-қудрат, бойлик, эришиладиган ютуқларнинг ҳаммаси халқники, бизникидир. Бундан ўзимиз баҳраманд бўламиз. Буни яхши англаган комбинатимиз, массивимиз меҳнаткашлари ўнинчи беш йилликда самарадорликни ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни янада оширишларига аминман.

Н. РАҲМОНБЕРДИЕВ,
ёғ-мой комбинати машинисти, Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветерани.

●*Меъморлар устахонасида*

Йўлдош шаҳарча улғаяди

Пойтахтимизнинг марказий қисми билан бирга унинг атрофлари ҳам кун сайин гўзаллашиб, янги манзара касб этиб бормоқда. Ўнинчи беш йилликда шаҳримизнинг Октябрь, Собир Раҳимов ва Сергели районларини реконструкция қилиш ва бу ерда янги турар жой микрорайонларини бунёд этишда катта ишлар амалга ошира бошланди.

Айниқса, Сергели райони қиёфасида катта ўзгаришлар юз бермоқда. Бу ерда 9 қаватли турар жой бинолари кўпроқ қурилиб, у 4—5 қаватли уйлар оралиғида жойлашади.

Ҳозир «Ташгипрогор» лойиҳалаш институтининг 4-устахонаси меъморлари яқин келажакда Сергелида бунёд этилажак биноларнинг лойиҳа чизмалари устида ишламоқдалар. Бу лойиҳаларда уйларнинг хоналари кенг ва яхши жойлаштирилишига, унинг ташқи қиёфасини гўзаллаштиришга, қуёш тўсқич мосламаларидан янада унумли фойдаланишга катта аҳамият беряляпти.

Сергелида бунёд этиладиган янги турар жой микрорайонлари Тошкент —Сергели йўлининг атрофида бунёд этилиб, келажакда бу микрорайонлар йўлдош шаҳарчани пойтахтимиз билан яхлит ҳолда бирлаштириб туради. Бунёд этиладиган янги турар жой комплексларида савдо ва жамоат марказлари, мактаб ва болалар боғчаларини, шунингдек дам олиш зоналарини ҳам аҳолига жуда қулай қилиб жойлаштириш кўзда тутилган.

Э. ВАЛИЖОНОВ,
бинокор.

СУРАТДА: «Ташгипрогор» институти архитекторлари яратган Сергелида қуриладиган янги турар жой комплексларининг кўриниши.

Автор фотоси.

МУТАХАССИС МИНБАРИ

МЕТРОЛОГИЯ ХИЗМАТИ СИФАТ УЧУН КУРАШДА

Ҳар бир корхонанинг сифатли маҳсулоти ҳақида гап кетганда аввалимбор цехлар, бригадалар, айрим ишчиларнинг, коллективнинг юқори унумли меҳнати, шунингдек технология жараёнларнинг такомиллаштирилганлиги, асбоб-ускуналарнинг модернизацияланганлиги ҳақида гапирилади. Бу нарса табиийдир. Лекин, бунда корхонанинг муҳим участкаси бўлган метрология хизмати, сифатни яхшилашдаги унинг ролини ҳам эсдан чиқармаслик лозим. Деталь буюмлар ГОСТ талабига жавоб бериши ёки бермаслиги, технологик режимларга риоя қилинаётганлиги ҳақида аниқ жавоб олиш мумкин. Албатта бунга ўлчаш асбоблари тўғри эксплуатация қилинганда, яхши сақланган ҳолдагина эришиш мумкин. Метрологлар айнан шуларни кузатадилар. «Главстройиндустрия»нинг Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли Тошкент экспериментал заводида ўлчов иши яхши йўлга қўйилган. Тажрибали мутахассис Илья Райхман бошчилигидаги метрологлар метрологик интизом талабларига ҳамиша қатъий амал қилинишини, олинаётган ўлчаш информациясининг ва приборларнинг техник ҳолатини яхши бўлишини таъминлаяптилар. 1975 йилда ўлчов воситалари ўз вақтида текширувдан ўтказилди, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифати яхшиланди. Заводнинг метрологик лабораториясида ўлчаш воситаларини ҳисоблаш ва назорат қилиш жуда аниқ йўлга қўйилган.

Цехларда сифат постлари ташкил этилган, унинг йиғилишларида ГОСТлар ва техник шартлар ўрганилади, янги давлат стандартлари, ўлчаш асбоблари билан танишилади ҳамда жорий этилади.

Метрологик хизматнинг яхши йўлга қўйилганлиги корхона фаолиятига яхши таъсир кўрсатмоқда. Биргина ўлчаш асбобларининг янгиларини корхона метрологик хизматига жорий этиш туфайли тўққизинчи беш йилликнинг охирги икки йилида 25 минг сўмдан ортиқ фойда кўрилди.

М. ФЕЛЬДМАН,
инженер-метролог.

Янги халқ университети

Яқинда Киров райони социал таъминот бўлими ташаббуси билан шаҳримизда биринчи марта «Социал-таъминот халқ университети» ташкил этилди. Унинг ректори район социал таъминот бўлимининг мудири С. Г. Финкельштейн.

Университетнинг асосий мақсади корхоналар, ташкилотлар ва муассасалардаги пенсия масалалари билан шуғулланувчи ходимларни пенсия қонунлари билан яқиндан таништириш, уларнинг социал-таъминот соҳасидаги тушунчасини кенгайтиришдан иборатдир.

Университет икки йилга мўлжалланган бўлиб, унинг ўқув программасига совет ҳукуматининг социал-таъминотга доир декретлари, КПСС Марказий Комитетининг халқ моддий фаровонлигини оширишга қаратилган тадбирлари, пенсия ва нафақага доир ҳужжатларини ўрганиш, расмийлаштириш ва пенсия ёки нафақа тайинлашга тақдим этиш тўғрисида муҳим темалар киритилган.

Университет ишларини намунали олиб бориш учун совет иш олиб бормоқда. Машғулотлар ҳар ойда бир марта ўтказилади.

З. УМАРОВА,
«Ўзбекистон социал таъминоти» журнали ходими.

●Турли касб эгалари

Кўпчиликка ўрнак

Хонага ёши етмишлардан ошган нуроний чол кириб келди. У Ёқуб ака билан саломлашгач:

— Ўғлим, бир соч-соқолимни олиб қўй, — деди.

— Марҳамат ўтиринг, — дея Ёқуб ака отахонни таклиф этди. Кўп ўтмай қария қирчиллама йигитлардек ёшариб, хонадан чиқиб кетди.

Сартарошлик ана шундай касб. У ёшларнинг ҳуснига ҳусн қўшади, қарияларни эса ёшартиради. Ана шундай касб эгаларидан бири Ёқуб Мавашев бўлиб, у бир неча йилдан бери Фрунзе район марказидаги 23-ҳаммомда сартарошлик касбини эъзозлаб, унга меҳр қўйиб ишлаб келмоқда. Мана шу ўтган йиллар ичида Мавашев меҳнаткашларга намунали хизмат кўрсатиб, уларнинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлмоқда.

— Сартарошлик касбим билан ғоятда фахрланаман, — дейди биз билан суҳбатда Ёқуб ака. — Касбим оддий, лекин шарафли.

Кунлик ва ойлик планларини ҳамиша ортиғи билан бажариб, ҳамкасбларига намуна бўлиб келаётган Ё. Мавашев ҳамшаҳарларимиз ҳожатини чиқаришда ибратли меҳнат қилаётир.

Т. ҚОЗОҚБОЕВ.

НАМУНАЛИ ХИЗМАТ

Яқинда Дизельная бекатидан 1-трамвайга чиқдик. Биз ҳамкасбларимиз билан Кўкчага бормоқчи эдик. Ўринлар анча бўш бўлганлиги сабабли ўриндиқлардан бирига ўтирдик. Шунда ҳайдовчи йўловчиларга микрофон орқали илиқ сўзлар билан мурожаат қилиб, вагоннинг озода бўлишини таъминлаш биз, пассажирларга боғлиқ эканлигини ва бекатларнинг номини айтарди.

Йўловчилар ҳайдовчининг бундай хушмуомалалигидан хурсанд бўлишди. Чунки, шаҳримиздаги ҳамма трамвайларда ҳам тўхташ бекатларини олдиндан доимо айтиб турадиган ҳайдовчилар учрайвермайди. Биз тушиш олдидан 1656-рақамли ана шу вагоннинг ҳайдовчиси билан танишдик. У Ҳаким Содиқхўжаев экан. Биз ҳам тушиш олдидан унга:

— Умрингиздан барака топинг ўғлим, сизга раҳмат деса арзийди — деб миннатдорчилик билдирдик.

Е. РАИМОВ.

• ЎЗБЕКИСТОН ПОЙТАХТИ — ГЎЗАЛ ВА КЎКАЛАМЗОР БЎЛСИН

Ҳаммамизнинг бурчимиз

Шаҳарда ободонлаштириш уч ойлигини ўтказиш плани асосида олиб борилаётган ишлар миқёси тобора кенгаймоқда. Ободонлаштириш ишида Фрунзе райони аҳолиси ва меҳнаткашлари фаол қатнашмоқдалар.

Район қиёфаси кейинги йилларда тубдан ўзгарди. Фарҳод кўчаси бутунлай қуриб бўлинди ва Шота Руставели кўчаси билан туташтирилди, «Ўзбекистон 50 йиллиги» кинотеатри ёнида янги ер ости ўтиш йўли пайдо бўлди. Волгоград кўчасида ҳарбий мемориал қурилди. Рассомлар союзининг кўргазма зали бунёд этилди ва ҳоказо. Районда олиб борилаётган ишларнинг ҳаммасида район Совети ижроия комитетига саноат корхоналари ва ташкилотлар катта ёрдам кўрсатмоқдалар. Биз ҳар йили районни архитектура жиҳатидан ташқи қиёфасини безаш тадбирлар планини тузамиз. Бу планда ҳар бир завод, фабрика, ташкилотнинг бажарадиган иш фронтлари акс эттан бўлади. Завод, фабрика ва ташкилотларнинг ободонлаштириш юзасидан бажарадиган ишлари кўлами йил сайин ортиб бормоқда. Кейинги йилда корхона ва ташкилотлар районнинг ташқи қиёфасини яхшилаш тадбирларига 1,5 миллион сўмга яқин маблағ ажратганликлари ва ўзлаштирганликлари ҳисобга лаб чиқилди.

«Узремстрой»нинг 6- ва 159-ремонт-қурилиш бошқармалари, «Ташжилпроект» институти, 1-ёғочни қайта ишлаш заводи ва бошқа ташкилотлар ободонлаштириш ишларига масъулиятни ҳис этган ҳолда, амалий ёндошмоқдалар. Улар ҳозир Ш. Руставели кўчаси бўйлаб бунёд этилаётган гулхоналарнинг ўзларига тегишли участкаларида меҳнат қилмоқдалар. Бу объектнинг лойиҳа қиммати 100 минг сўмга боради. Жумладан, 60 минг сўмликдан кўпроғи шу кунгача ўзлаштирилди.

Транспорт бекатларининг қиёфаси кейинги пайтларда бирмунча яхшиланди. Кўпгина бекатларда чиройли соябонлар, қулай ўтиргичлар қурилди. Бу ўзгаришларни бошловчилар ва амалга оширувчилар 1-пойафзал фабрикаси, экспериментал-механика заводи, Тошкент иссиқлик тармоғи, металл-фурнитура заводининг ишчилари бўлишди. Улар район ижроия комитетида тузилган план асосида транспорт бекатларини оталиққа олдилар ва обод қилмоқдалар.

Ободонлаштириш ишларида фаол қатнашаётган район автомобиль хўжаликлари ҳам яхши намуна кўрсатмоқдалар. 2502-автоколонна, 103-автобаза, гўшт-сут саноати министрлигининг автобазаси биргаликда районда олиб борилган шанбалик ва якшанбаликларда қатнашиш учун 500 га яқин машиналар ажратди. Шунингдек район ободонлаштириш бошқармасига 1-темир-бетон буюмлари заводи, 3-ғишт заводлари бошқармаси, 7-таксомотор паркининг коллективлари техника ва эҳтиёт қисмлар билан катта ёрдам бермоқдалар.

Педагогическая кўчасидаги йўл ва йўлкаларга асфальт ётқизиш ва ремонт қилишни март ойи охиригача тугаллаш мажбуриятини олган 980-созлаш ишлари бошқармаси коллективининг ташаббуси ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Ҳозир бу кўчада ремонт ишлари авж олдирилган.

Районни ободонлаштиришда «Узколхозспецстрой» бошқармасининг коллективи зарбдорларча меҳнат қилмоқда. Бошқарма ишчилари Муқимий кўчасининг икки томонида тўсиқлар ўрнатиб бўлдилар ва йўлкаларга асфальт ётқизиш ишлари ниҳоясига етди. Коммунал хўжалик министрлигининг 159-ремонт-қурилиш бошқармаси ходимлари район гулхонаси идораси қурилишини жадаллаштириб юбордилар. Ободонлаштиришда фаол қатнашаётган бу каби корхона, ташкилотларнинг номларини кўплаб келтириш мумкин. Лекин, қуйидаги факт билан чекланиб қўяқолайлик. 1975 йилда йўл ва йўлкаларга асфальт ётқизиш учун корхона ва ташкилотлар томонидан 15 минг сўмга яқин маблағ сарфланди. Жумладан, 1-пойафзал фабрикаси — 4 минг сўм, 2502 автоколонна — 2,6 минг, қурилиш материаллари комбинати — 3,4 минг сўм ажратди.

Районнинг яшил бойлиги йил сайин кўпаймоқда ва яхшиланиб бормоқда. Масалан, ўтган йили кузда район кўчалари ва паркларига етти юз минг тупдан ортиқ дарахт, ниҳол ва гул кўчатлари ўтқазилди. Бунга район меҳнаткашлари ва аҳолиси кўкаламзорлаштиришда фаол қатнашганликлари туфайли эришилди. Шу даврда район Советининг депутатлари катта ташкилотчилик ишларини олиб бордилар. Шанбалик ва якшанбаликларнинг кўпчилиги халқ номзодлари томонидан уюштирилди ва ўтказилди. Кўчат ўтқазиш — бу, ишнинг бошланиши. Чунки, ўтқазилган кўчат тутиб қолиши ва ривож топиши учун қанчадан-қанча меҳнат сарфланиши керак. Бунинг учун аввало кўчатларга сув керак. Сув масаласига келганда, кўчат ўтқазиш планини бажардим деб, бамайлихотир юрган райондаги корхона ва ташкилот раҳбарларининг кўпларини учратиш мумкин. Улар ишнинг муҳим томонини — ниҳолларга парвариш кераклигини мутлақо унутиб қўядилар. Оқибат натижада ниҳоллар қуриб, кўчат ўтқазишга сарфланган қанчадан-қанча меҳнат ҳам ерга кўмилиб кетади. «Яшил дўст»га ғамхўрлик кўрсатишни унутиб қўяётган ташкилотлар қаторида «Узспецсельстрой», коммунал хўжалик министрлиги, пластмасса буюмлари ва рўзғор химияси заводи ва бошқа баъзи ташкилотларни айтиш мумкин. Районни ободонлаштириш ишига кам эътибор бераётган корхоналарга келганда, «Таштекстильмаш» заводи раҳбарларини кўрсатиш мумкин. Бунинг исботи учун мисоллар келтирамиз. Б. Хмельницкий кўчасида аҳоли ва меҳнаткашлар кучи билан бешта кичик хиёбон барпо этилган. Лекин, бу хиёбонларни суғоришга сув етишмайди. Район ижроия комитети корхона раҳбарларига завод территориясида қудуқ қазиб хиёбонларни суғоришни таклиф этди. Улар ваъда беришди-ю, лекин шу пайтгача кўчада ҳеч қандай иш олиб борилганича йўқ. Ёки бошқа бир мисол. Театр майдонидаги суғориш тармоқлари тез-тез лойқаланиб тўлиб қолади. Буни бартараф этиш учун район ижроия комитети заводдан махсус чўян тароқчалар тайёрлаб беришни сўради. Буюртма расмийлаштирилди-ю, орадан бир неча ой ўтиб кетган бўлса-да, чўян тароқлар тайёрланганича йўқ.

Тўқимачилик комбинатининг раҳбарларига ҳам шундай эътироз билдириш мумкин. Улар ободонлаштириш ишлари планидаги кўпгина бандларнинг бажарилишини таъминламадилар.

Шуни айтиш керакки, ободонлаштириш ишлари ҳажми ва суръати тобора ортиб бормоқда. 1976 йилда кўчаларни ободонлаштиришга 430 минг сўм, кўкаламзорлаштиришга — 57 минг, ирригация тармоқларини ремонт қилишга — 140 минг сўм ажратилди. Бу йил Ш. Руставели ва Муқимий кўчалари, Ленин проспекти ва Ўзбекистон кўчаси туташадиган жойларда янги ер ости ўтиш йўллари қурилади. Б. Хмельницкий ва Ш. Руставели кўчалари чорраҳасида янги ер ости ўтиш йўли пайдо бўлади. Новополторацкий кўчаси, Ленин проспекти қурилиши давом эттирилади ва ҳоказо. Ҳали жуда кўп ишларни амалга ошириш керак. Шунинг учун райондаги барча ташкилотлар, корхона ва муассасалар ободонлаштириш ишларида янада фаол қатнашишлари керак. Районни ободонлаштириш — ҳаммамизнинг бурчимиз.

Т. АҲРОРОВ,
Фрунзе район ижроия комитети раисининг ўринбосари.

МИРМУҲСИН

(РОМАНДАН ПАРЧА)

Инженер — гидростроитель Файзулла Аҳмедович Музаффаров олтмиш олти ёшга борган. Бу рақамлар бошини кўтариб, тикка турсин! (99 демак), дерди шоир дўсти Амир Равнақ. Илоҳим ёнига яна бир рақам қўшилиб, учталик бўлсин, деб ҳазиллашган Марҳаматхонинг ҳам қариган чоғидаги ширин сўзлари, қочиримлари эрига қаймоғдек ёқар, ёлғондан гапирсанг ҳам гапиравер, фаришталар омин деб юборсин, деб куларди Музаффаров. Бировга биров умр тиласа қандай яхши! Айниқса ҳаётни Музаффаровчалик яхши кўрадиган бир одам кейинги йилларда қон босими ва «саҳар» касалига чалиниб юрар экан, бу гаплар ёқмай иложи борми! У баланд бўйли, барваста, от калла одам. Кўзойнак тақади. Лекин бирон кимса билан жиддийроқ гаплашганида кўзойнаги тепасидан мўралайди. У тепакал, орқа бўйнида, икки қулоғи юқорисида жонсиз, укпардаккина соч аввал оқариб, кейин саргайиб кетган. Иллар ўз ишини қилиб, чандирпайларни ҳам бўшаштириб қўйган. Кўзойнаги юзининг чўзинчоқлигини қисқартиб, бир қадар ҳусн қўшиб туради. Кўзойнак унинг жисмидаги яна бир аъзосига айланиб кетган; баъзан ёстиққа бош қўйганида кўзойнаги борлигини сезиб, тумбочкага олиб қўймаса, бошқа вақт у бурни устидан жилмайди. Турмушнинг аччиқ-чучугини тотиган, бу дунёда кўрмаган нарсаси қолмаган Музаффаров бу ёруғ дунёдан ҳеч кимсани кетгуси келмаганидек, у ҳам ўзининг ҳаёт оқшомини яна ҳам қувноқ, яна ҳам мазмундор ўтказишга интиларди. Кексаликнинг мўртлиги, кейинги йилларда анча бўшашиб қолганлиги баъзан андуҳли хаёлларга толдирарди-ю, лекин унинг неча бор ўлим билан қамтима-қамти келгани, Улуғ Ватандошлик урушида, ундан кейинги йилларда оғир касал бўлиб, жарроҳ қўлига тушгани учунми, оғир дарддан кутилиб «фойдага қолган умри»ни ширин ўтказишга ҳаракат қиларди. Файзулла Аҳмедович бундан олти йил аввал республика министри лавозимидан пенсияга чиқиб, Тошкент кўчаларидан биридаги ўзининг катта ва кўркам ҳовлисида умрини фароғатда ўтказарди. Баъзан тенгдошлари суҳбатида: «соқол оқи ўлимга пешроздир, тириклик хилқати узра қиравдир»ни айтиб, бу дунё вақтинчалигидан шикоят қилиб бош чайқарди. Лекин кексалик инжиқликлари билан шафқатсиз жанг қилар, қувноқлик, меҳрибонликни доимий одат этиб, устида озодалик «хилқати» яшнаб турарди. Врачлардан ўзини тортмас ва лекин уларнинг ҳамма гапларига ҳам қулоқ солабермасди. Феъли айниб, асаби қўзғаган пайтларда ўзини қўлга олабилар; ичмас, чекмас ва лекин дори-дармонларсиз юрмасди ҳам. Баъзан бундоқ қараб туриб, умри бекорга ўтмагани, анча-мунча ишлар қилиб бергани, юрти мартабасини баланд қилиб, мукофотлару, унвонлар олгани, шахсий ҳаётида ҳам бахт топгани — тўрт қиз, икки ўғил кўргани, невараларн борлиги билан фахр этарди. Аммо ҳамма ишларни тартибга солиб, бахтга етдим деганида бундоқ кўзини очиб қараса ёш ҳам кетиб, бедармон бўлиб қолганидан ҳам ачиниш ва пушаймон чангали юрагини ғижимларди. Шу паллагача у ўқиш, фронт, кейинги давлат ишлари ва бола-чақа ташвишлари билан бўлиб, ёши ўтиб кетганини ҳам пайқамай қолибди. Мана энди анча узоқдан бўлса ҳам ёшлик—йигитлик йиллари ўз жамолини кўрсатиб, ҳавасини келтирарди. Бир томонда сурбет ўлим турар, Музаффаров бўлса кумушдан гуллар солинган ҳассасини кўтариб, у сурбетни олисларга ҳайдаб солмоқчи бўларди. Унинг башарасини кўришга тоқати йўқ. Шундоқ кунларнинг бирида Файзулла Аҳмедович вафодор ва қадрдон хотини Марҳаматхон билан ёнма-ўтириб, гапга тушиб кетишди.

— Баъзи ошналаримизга жуда ҳайронман, гўзалликда тенги йўқ жойлар шундоқ биқинимизда турса-ю от арава овора қилиб, Кавказу Қримга жўнашса! У томонларга бориш бир одат тусига кириб қолган, баъзи мақтанчоқ ойимтилла хотинлар «мен бу йил Ялтада бўлдим» деб шода марварид сотиб олгандек ўзларини кўз-кўз қилиш учун керак. Аслида унчалик эмас! Бир икки кун чамадон тайёрлайсан, бир кун учасан, жойлашасан, ўрганасан... яна бир-икки кун кетади. Ундан сўнг атай тиктирган кийимларни кийиб, «от бозорга» тушасан, курортни айланасан, чўмилишга қирғоққа берасан... Бирон икки ҳафта шундоқ қилиб юргач, яна қайтиш тайёргарлигини кўриш бошланади. Совға-салом излайсан. Чамадонинг қўлингда, аэропортда об-ҳаво учишга қулайлигини кутасан... Мана, аҳвол шунақа! Шундоқ Тошкентимизнинг ёнгинасида жаннат борлигини бу одамлар билармиканлар? Билишмайди! Чорвоққа боргач: Угам, Писком, Кўксув, Чотқол, Чимён водийлари, пастда Облиққа боргач: Оҳангарон, Кўлбулоқ водийлари. Бу жойларнинг об-ҳавоси қандай яхши экани, бу ерларнинг манзараси дунёнинг ҳеч ерида йўқлигини билармиканлар? Шоирларга ҳам ҳайронман, айниқса, ошнам Амир Равнаққа ҳайронман, шундоқ оёғи остидаги беқиёс жойлар қолиб, Венеция, Генуя ва аллақаёқларга қарашади! Эй, хотинжон, гап кўп, ўтган оз. Мана, сен ўзинг ҳам ҳар йили Ялтага олиб боринг, Сочига олиб боринг, деб баҳордан бошлаб қулоғимни батанг қилиб, тайёргарлик кўрасан. Мен тегишли жойларга илтимоснома ёзаман, врачдан қоғоз оласан, пулнинг тағига сув қуясан. Қариндош-уруғларнинг ҳаммасига жар солиб чиқасан, уни олиб келинг, буни олиб келинг деган илтимосномаларни тўплайсан ва ҳоказо ва ҳоказо... Пул сочиб, битта сенга ўхшаганни ўйнатиб келиш мен учун ҳеч гап эмас, аммо эрталабдан кечгача заводда, станок ёнида терга ботиб ишлаб, юз эллик сўм оладиганлар ҳам боради, аммо улар «от бозорга» тушиб либосини таманно қилмайди...

— Ҳой, адаси, дарров сиёсатга ўтиб кетманг! — деди Марҳаматхон, — ариллаган-дариллаган вақтларингиз орқада қолди. Сиз — пенсионерсиз. Энди жонингизни жабборга бермасангиз ҳам биров бир нима демайди.

— Ҳайф сенга шунча ўргатганларим! Мен сени тушунган хотин деб юрган эдим!

— Ҳа, артелда ишлаб ҳамма нарсани тушуниб олганман! Тушунмаган бўлганимда сизга ўхшаган нижиқ одамни инженерликдан министргача олиб чиқармидим! Ўртоқ Музаффаров бўлиб юрганингизда ҳаммага керак эдингиз, энди биронтаси келиб ҳолингиздан хабар оляптими?

— Алжима! — Музаффаров бақириб юборди.

— Бўлди, тавба қилдим! Бошқа гапирмайман! Бошқа гапдан гаплашайлик — деди Марҳаматхон бирдан эрининг бўшашиб, касали тутиб қолаётганидан қўрқиб, ранги ўчиб кетди. У гапиришга гапирди-ю эрининг ўзидан кетиб қолишига кўзи етмаган эди. Марҳаматхон дарҳол ялиниб, уни қучоқлади. — алжиганимни кечиринг, огажон. Билмай гапириб юбордим. Ҳазил қилиб гапирган эдим. Сиз пок одамсиз, улуғ одамсиз, мен буни яхши биламан. Файзулла ака! Мени кечиринг!

Музаффаров бироз юмшаб, асабдан тушди. Кўзойнагини қўлига олиб, кухлаб рўмолча билан артди. Бир дамдан кейин Марҳаматхон илжайиб, яна гап бошлади:

— Майли, олиб боринг ўша айтган жаннатларингизга. Сиз қаёққа бошласангиз мен ўша ёққа бораман. Майли, шартта олиб боринг! Чотқолингизни ҳам, Угаму, Пискомингизни ҳам кўрсатинг. Лекин Оҳангаронга олиб бориб, мени тошкўмирга бўяб келмасангиз бўлгани!

(Давоми бор).

Пахтачилик тараққиётини кўзлаб

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида партиямизнинг XXV съездига бағишланган махсус кўргазма ташкил қилинди. У «Гербицидларни ғўзага ишлатилиши ва кўп йиллик бегона ўтларга қарши кураш» деб аталади.

Кўргазманинг жуда кўп фотосуратларида бу соҳада республикамизда кенг кўламда олиб борилаётган ишлар, пахтачиликнинг тараққиёти акс эттирилган. Экспонатларда Бутуниттифоқ пахтачилик илмий-тадқиқот институти, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлигининг ўсимликлар ҳимояси институти, Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш институтининг лабораториялари ва тажриба участкаларида олиб борилаётган самарали тадқиқот ишлари акс эттирилган.

◆ **ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК**

Янги ҳаво йўли

Граждан авиациясининг Ўзбекистон бошқармаси Тошкент аэропортидан қатнайдиган рейслар сонини кўпайтириб бормоқда.

Куни кеча «Тошкент — Жезқозғон — Павлодар» рейси очилди. Шу кунгача Қозоғистоннинг йирик саноат маркази ва йирик порт шаҳри Павлодарга тўғри борадиган ҳаво йўли йўқ бўлгани учун авиапассажирлар бир нечта рейслардан фойдаланиб, кўп вақт сарфлаб манзилга етиб олардилар.

Янги ҳаво йўли эса пассажирларни Павлодар шаҳрига 4 соату 30 минутда етказиб қўяди. Бу янги ҳаво йўлида ЯК — 40 самолётлари ҳар ҳафтанинг чоршанба, жума, ва якшанба кунлари қатнаб туради.

Т. ЮСУПОВ.

Юсуфий. Хайрли кишиларга фойдалар

Юсуф ибн Муҳаммад ибн Юсуф ал-Ҳаравий (Юсуфий) XV аср охирларида Хуросонда туғилди. Унинг отаси Муҳаммад ибн Юсуф араб ва форс тилларини кучли билган билимдон табиб, луғатшунос ва тарихчи эди. Унинг «Баҳр ул-жавоҳир» ва «Айн ул-ҳаёт» номли табобатга оид асарлари Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида сақланмоқда.

Юсуфий ёшлигиданоқ отасининг таъсирида бўлди. Табобатга оид асарларни қунт билан ўқиди, араб тилини ўрганди, ғазал ёзиш санъатини пухта эгаллади. Шундай қилиб у XVI асрнинг бошлариданоқ ўзининг ширин ғазаллари ва табобатга оид шеърий асарлари билан фақат Ҳиротдагина эмас, бутун Ўрта Осиё, Хуросон ва Ҳиндистонда ном чиқара бошлади. Шунинг учун ҳам 1524 йили Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асарини форс тилига таржима қилиб, ўзидан тўққизинчи бобни қўшган Фахрий Ҳиротий: «Мулло Юсуфий Хуросоннинг машҳур табибларидан бўлиб, хушхулқ, жаҳонгашта ва суҳбат кўрган киши, ғазали покиза» деган эди.

Бобир Афғонистонда турган пайтида Юсуфий у билан танишиш шарафига муяссар бўлади. 1529 йилдан кейинроқ Бобир Юсуфийни Ҳиндистонга чақириб олади. Бу ҳақда «Бобирнома»да: «Мавлоно Юсуфий табибким, они Хуросондан тилотиб эрди. Набз (томир) кўрмоқ ва ташхис қилмоқ (диагноз қўймоқ) онинг иши эрди» дейилади.

Юсуфий умрининг охиригача Ҳиндистонда яшади ва 1550 йиллар атрофида вафот этди.

Машҳур афғон олими Абдулҳай Ҳабибий: «Юсуфий адабиётда ва табобатда буюк маҳорат эгаси эди» деб ёзган эди. Ҳақиқатан ҳам унинг бой илмий меросини ўрганиш адабиёт ва табобат тарихини ўрганиш учун фойдалидир.

Биз Юсуфийнинг табобатга оид бир неча шеърий рисолаларини таржима қилиб, «Тошкент оқшоми» саҳифаларида эълон қилган эдик. Энди эса унинг бир қисмини, аввал эълон қилинган «Фавоиди ахёр» («Хайрли кишиларга фойдалар» рисоласининг) қолган қисмини таржима қилиб, оқшомхонлар диққатига ҳавола қилмоқдамиз.

Маҳмуд ҲАСАНОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг илмий ходими.

Мақтов ва дуруддан кейин билгинки,
Табобат фанида ушбу қитъалар.
Ҳикмат дарёсининг бебаҳо дури,
«Фафайид» деб унинг номи аталар!

САРИМСОҚ

Пишириб ейилса саримсоқ агар,
Эски йўтал учун кўрсатади наф.
Наҳорда хомидан ейилган замон,
Қоринда қурт бўлса, қилажакдир даф.

СОВУҚ СУВ

Беш хил киши совуқ сувда чўмилса,
Ранжу кулфат кўриб, ортар ташвиши.
Бири ичбуруғдир ва бири тумов,
Яна чолу гўдак, қорни тўқ киши.

ҚОВУҚ СУСТЛИГИ

Қовуғинг бўшашган бўлса агарда,
Ҳакимлар сўзига қулоқ сол, қулоқ.
Петрушка уруғин асалу нўхот,
Билан бирга қўшиб ундан е тезроқ.

РАЙҲОН УРУҒИ

Юрак учун фойда райҳон уруғи,
Ичакка куч берар унинг барги ҳам.
Ундан доул—филга[1] суркалса агар,
Таъсир қувватини кўражак ҳар дам.

ИЛОН ПЎСТИ

Хурмо суви билан илон пўстини,
Сўгалнинг устига қўйилган замон.
Икки ё уч куннинг ичида албат,
Бу дардга бўлади даво бегумон.

ЧАКАМУҒ

Бўғин оғриғига фойда қилади,
Агар сен ҳар куни чакамуғ есанг.
Манфаати бордир оқ тушган ерга,
Сирка билан қўшиб агар суркасанг.

СУМОҚ (ТАТИМ)

Рум райҳондан шарбат қилиб ичса ким,
Сўзимни эшитгил удир бериё.
Эски бавосилга фойда кўрсатар,
Ҳам ундан наф топар, бил, моҳулиё[2]

РУМ РАЙҲОНИ

Сумоқ ҳамда суви ошқозон учун,
Яхши наф келтирар, иштаҳа очар.
Ични тўхтатади, ичак яраси,
Сумоғу, сувидан енгилиб қочар.

КУЙДИРИЛГАН САДАФ

Куйдирилган садаф милк иллатини,
Йўқотар, тишдаги иллатлар кетар.
Агар ундан кўзга сепилса ҳар вақт,
Кўз оғриғ тузалиб, бутунлай кетар.

БЕҲИ

Ташналик сўнади беҳи сувидан,
Қусишни тўхтатар, кекиришни ҳам.
Қон туфлашга қарши фойда қилади,
Ман қилар бурундан суа оқишни ҳам.

САРАТОН

Саратон ейилса йўталга фойда,
Ўпка иллатига яна наф қилар.
Чаён заҳарини кесар, ниш урган.
Жойга ҳам босилса бешак даф қилар.

[1]. Оёқ шишиб кетиш.

[2]. Меланхолия.

«Политотдел» колхозининг чолғу вокаль ансамбли дала меҳнаткашлари ҳузурида тез-тез бўлиб, ёқимли куй ва қўшиқлари билан уларни хушнуд этмоқда.

СУРАТДА: ансамбл куй ижро этмоқда.

Б. Юрьев фотоси.

◆ Мамлакат — Тошкентга

МАТБААЧИЛАР ҲАМКОРЛИГИ

Ватанимиз пойтахти Москва ва Тошкент полиграфчилари ўрнатган азалий дўстлик алоқаси таҳсинга сазовордир. Москвадаги А. А. Жданов номли Меҳнат Қизил Байроқ орденли 1-намунали босмахона билан Тошкентдаги 1-босмахона коллективлари ўртасидаги дўстлик бунга ёрқин мисол бўла олади. Москваликларнинг ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларида: «...иттифоқчи республикалардаги полиграфия корхоналарига оталиқ ёрдами кўрсатилсин...» деган сўзларни ўқиш мумкин.

Дўстларимиз ўз сўзларининг устидан чиқмоқдалар. Улар тошкентлик ҳамкасбларига планлаштириш бўйича ҳужжатларни тайёрлаб бердилар.

Улар ўзларининг ишлаб чиқаришдаги янгиликлари билан Тошкент ва бошқа шаҳарлардаги ҳамкасбларини тез-тез хабардор қилиб турадилар.

◆ **Умри боқий дўстлик**

МУСТАҲКАМ АЛОҚАДА

Тошкентдаги «Узторгреклама» ишлаб чиқариш комбинати билан Чимкентдаги «Казторгреклама» ишлаб чиқариш комбинати коллективлари ўртасида давом этиб келаётган дўстлик алоқалари ҳар томонлама фойдали бўлмоқда.

Яқинда Чимкент корхонасининг вакиллари Ўзбекистон пойтахтидаги ҳамкасблари ҳузурида меҳмон бўлдилар. Улар Тошкентда савдо рекламасининг маҳаллий усталари иш тажрибалари билан танишдилар, корхона цехларида ишлаб чиқаришни кўздан кечирдилар.

Чимкентлик дўстларимиз ҳамкасбларнинг иш тажрибаси асосида, ўз шаҳарларида ҳаракатланувчи реклама қурилмасини монтаж қилдилар. Қозоқ халқининг миллий ўймакорлик санъати хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тайёрланган бу реклама ҳар томонлама чиройли ва кўзга яққол ташланадиган қилиб яратилди.

Жаҳон ойнаси

БАНГЛАДЕШДА ДЕНАЦИОНАЛИЗАЦИЯ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ДАККА. Бангладешда Мужибур Раҳмон ҳукумати чоғида давлат назоратига олинган корхоналарни эгаларига қайтариш давом этмоқда. Бу ерда маъмурлар 18 ишлаб чиқариш бирлашмасидан ташқари давлат тасарруфига ўтказилган ҳамма корхоналарни хусусий эгалари қўлига топшириш ниятида эканлиги расман эълон қилинди. Мужибур Раҳмон ҳукумати чоғида жами 350 корхона давлат ихтиёрига ўтказилган эди.

ЛИВЕРПУЛЬ. Инглиз акванавтлари А. Дрэнсфильд, Д. Вулнаф ва М. Эдвардс (суратда) миллий океанография институтида синовдан ўтган батисферада 14 кун бўлишди. Синов даврида Шимолий денгиз шароитида сув остига тушиш ишлари тажрибадан ўтказилди. Янги батисфера 304 метр чуқурликда океанография тадқиқотларини олиб бориш имконини беради.

АП — ТАСС фотоси.

ХАЛҚАРО ҲАЁТНИНГ АСОСИЙ ВОҚЕАСИ

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Москвада ўз ишини давом эттираётган XXV съезди халқаро ҳаётнинг асосий воқеаси бўлиб турибди. Кремлнинг Съездлар саройида бўлаётган музокараларнинг боришини бутун дунё ниҳоят даражада қизиқиб кузатиб бормоқда. Чет эл арбоблари ҳамда турли мамлакатларнинг матбуоти КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев докладини диққат билан ўрганиб ва шарҳлаб, бу доклад эндиги йилларда жаҳондаги вазиятнинг ривожланишига чуқур таъсир ўтказадиган ғоят муҳим сиёсий ҳужжат эканлигини айтмоқдалар.

БУДАПЕШТ. Шу кунларда, деб ёзади Венгриядаги «Мадьяр хирлап» газетаси, ҳамманинг диққат-эътибори Москвага, КПСС XXV съездида айтилаётган гапларга қаратилмоқда. Ўртоқ Л. И. Брежнев доклади билан, шу докладда халқаро ҳаёт, КПССнинг ташқи сиёсати тўғрисида айтилган фикрлар билан танишиб чиққан ҳар бир киши социалистик мамлакатлар ҳамдўстлигига таянаётган Совет Иттифоқи халқаро вазиятни шакллантиришда биринчи даражали роль ўйнамоқда, деб айтишга тўла ҳақлидир.

КПСС XXV съездида айтилаётган гаплар, деб ёзади газета, ҳозирги вақтда интернационализм халқаро ишчилар ҳаракатини мустаҳкамлаш, Совет Иттифоқининг, бутун социалистик ҳамдўстликнинг жаҳоншумул-тарихий ролини ва аҳамиятини тан олиш билан қўшиб олиб борилмаса, қуруқ сўз бўлиб қолаверади. Шу сабабли, деб ёзади, «Мадьяр хирлап» газетаси, фақат бўзғунчилик сиёсатигина эмас, антисоветизмнинг ҳар қандай кўринишларигина эмас, шу билан бирга ишчилар синфига ёт бўлган миллатчиликка нисбатан бетараф бўлиб туриш ҳам коммунистларнинг интернационализмига асло тўғри келмайди.

* * *

ВАРШАВА. КПСС нинг XXV съезди — шу буюк партиянинг ўзи учун ва айни вақтда бутун дунёда социализм ҳамда тинчлик кучлари учун ғоят катта воқеадир деб ёзади «Глос працы» газетаси. Ҳар бир онгли меҳнаткаш ўртоқ Л. И. Брежневнинг докладини, унинг ғоят бой ва чуқур идеологик, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий мазмунини синчиклаб ўрганиб чиқиши лозим, чунки унда айтилган гаплар замонамизнинг энг ҳаётий проблемаларига ва вазифаларига тааллуқлидир.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

„ЗАНГОРИ ЭКРАН“да

Ўзбекистон телевидениесининг ҳафталик программаси

8 МАРТ — ДУШАНБА

ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ

Биринчи программа. Москва кўрсатади. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.30 «Ғаройиб альбом». Оналаримизни табриклаймиз. 10.45 «Халқ ижоди». 11.30 «Бутун жаҳон қизлари». Ҳужжатли фильм премьераси. 11.45 Болалар учун. «Шаддот Настя!». Бадиий фильм. 13.00 «Она ҳақида баллада». Телевизион очерк. 13.30 Цирк майдонида. 13.50 «Москвичка». Телевизион клуб. 15.05 «Қувноқ саргузаштлар». Оперетта артистларининг концерти. **Тошкент кўрсатади.** 16.00 Кўрсатувлар программаси. Болалар учун «Камалак» программаси. 16.05 «Мунис ва меҳрибон оналар» (рус.). 16.40 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Жанговар дугонам» (рус.). **Москва кўрсатади.** 17.00 Фигурали учиш бўйича жаҳон чемпионати. Кўргазмали чиқишлар. Швециядан олиб кўрсатилади. **Тошкент кўрсатади. Рус тилида:** 19.00 «Бир умрга тенг кун». «Ўзбектелефильм» студияси телевизион ҳужжатли фильмининг премьераси. 19.15 «Ахборот» информацион программаси. **Ўзбек тилида:** 19.30 «Иқбол» программаси. «Еркин ҳаёт» телевизион журналининг Халқаро хотин-қизлар куни 8 Мартга бағишланган кўрсатуви. 21.00 «Ахборот» информацион программаси. 21.20 «Мушоира этади давом». **Москва кўрсатади.** 22.00 «Вақт» информацион программаси. 22.30 «Голубой огонёк», 00.30 Янгиликлар.

Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади. 10.05 Кўрсатувлар программаси. 10.10 Янгиликлар. **Ўзбек тилида:** Болалар учун «Камалак» программаси. 10.20 «Онамларнинг байрами». 10.30 «Еш киноҳаваскорлар клуби» (рус.). 11.50 «Санъатга бағишланган ҳаёт». Телевизион ҳужжатли фильм. 12.40 «Шаҳар тароваси». Бадиий фильм. 13.55 «Хотин-қизлар, Сизлар учун». Байрам концерти. **Москва кўрсатади.** 16.00 Мультфильмлар программаси. 16.30 «Валентина Терешкова». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. **Тошкент кўрсатади.** 17.00 «Хайр эчки ва велосипед». Болалар учун телевизион бадиий фильм. 17.35 «Отни аёл эгарлаганда». Бадиий фильм (ўзб.). **Москва кўрсатади** 19.00 Янгиликлар. 19.15 «Расмларда қуёш акси бор». 19.25 «Ўгай она». Бадиий фильм. 20.50 «13 стул». Телевизион миниатюралар театри. **Тошкент кўрсатади. Ўзбек тилида:** 22.00 Ҳужжатли фильмлар экрани. 22.30 «Оналар ва қизлар». Бадиий фильм. 00.05 Кўрсатувлар программаси.

Учинчи программа. Душанба кўрсатади. 17.00 Кўрсатувлар программаси. 17.05 Телевизион бадиий фильм (рус.). 18.10 «Сифат беш йиллигига — ишчи кафолати» (тожик тилида). 18.30 «Бор экан, йўқ экан». Телевизион фильм (рус.). 19.10 «Меҳнат қаҳрамонлари» (тожик тилида). 19.25 «Музикали экран». 19.45 Телевизион новеллалар. 20.15 Кичкинтойлар учун. «Онамларга совға». Телефильм. 20.35 Янгиликлар. 20.50 «Аёл бахти». Халқаро хотин-қизлар куни 8 мартга бағишланган кўрсатув. 22.00 Душанба кўрсатувларининг охири.

9 МАРТ — СЕШАНБА

Биринчи программа. Москва кўрсатади. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.30 «Ҳайвонот оламида». 11.30 «Киносаёҳатчилар клуби». 16.00 «Меҳнатинг — иқболинг». Ҳужжатли фильмлар программаси. 16.35 «Она-Ватан бўйлаб». Белоруссия ССР. 17.05 «Объектив». 17.35 М. Шолохов асарлари санъатда. **Тошкент кўрсатади.** 18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Қизиқарли учрашувлар». Еш мухбирларнинг Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти, академик, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони О. Содиқов билан учрашуви (ўзб.). **Рус тилида:** 19.15 «Ахборот» информацион программаси. 19.30 «Старт олдидан интервью». Баскетбол бўйича хотин-қизлар командалари ўртасида 43-мамлакат чемпионати қатнашчилари билан учрашув. **Ўзбек тилида:** 20.00 Ўзбекистон Композиторлар союзининг VII съездига. «Ўзбекистон композиторларининг янги асарлари». 20.45 «КПСС XXV съезди қарорлари — ҳаётга!». «Ўзбекистоннинг катта пахта хирмони учун». 21.00 «Ахборот» информацион программаси. 21.20 Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. **Москва кўрсатади.** 22.00 «Вақт» информацион программаси. **Тошкент кўрсатади.** 22.30 «Сўнгги учрашув». Бадиий фильм (ўзб.). 24.00 Кўрсатувлар программаси.

Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади. 17.15 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Химия (ўзб.). **Москва кўрсатади.** 18.15 «Асл йигитлар». 19.00 Янгиликлар. 19.15 «Биз ўйнаймиз». 19.30 Совет қўшиқларидан концерт. 20.00 Социалистик мусобақа кундалиги. 20.45 М. Анчаров. «Бир микрорайонда». Кўп серияли телевизион спектакль премьераси. 1-серия. **Тошкент кўрсатади.** 22.00 «Фан» программаси. (рус.). **Москва кўрсатади.** 22.30 «Меҳрим-муҳаббатим, Сизга аёллар». Р. Гамзатов шеърлари ва қўшиқлари. 23.15 СССР ва АҚШ энг кучли теннисчиларининг матчи. В. И. Ленин номли Марказий стадион Спорт саройидан олиб кўрсатилади. 23.45 Янгиликлар.

Учинчи программа. Тошкент кўрсатади. 18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Олий математика (ўзб.). 20.00 Тошкент янгиликлари. **Рус тилида:** 20.15 «Зор-интизор». Телевизион бадиий фильм. 20.50 Ўқитувчи экрани.

10 МАРТ — ЧОРШАНБА

Биринчи программа. Москва кўрсатади. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.30 Мультфильмлар программаси. 11.00 «Ўгай она». Бадиий фильм. 16.00 Ҳужжатли фильмлар программаси. 16.30 М. Прилежаева. «Ажойиб йиллар». 17.00 Болалар учун. «Олтин шох». Бадиий фильм. **Тошкент кўрсатади.** 18.15 Кўрсатувлар программаси. Болалар учун «Камалак» программаси. 18.20 Мультфильм. 18.30 «Жонажон ўлка» (ўзб.). 19.00 «Миллионлар ленинча университети». «КПСС XXV съезди ҳозирги босқичда партиянинг иқтисодий сиёсати тўғрисида» (ўзб.). **Рус тилида:** 19.45 «Ахборот» информацион программаси. 19.30 «Халқ хизматида». **Ўзбек тилида:** 19.50 «Озуқа ишлаб чиқариш резервлари». Биринчи кўрсатув. 20.20 Адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида Ленин мукофотига номзодлар. Зулфия. «Камалак». 21.00 «Ахборот» информацион программаси. 21.20 Телетомошабинларнинг хатлари асосида концерт. **Москва кўрсатади.** 22.00 «Вақт» информацион программаси. 22.30 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Химик» (Воскресенск) — «Динамо» (М). 2 ва 3-даврлар. Воскресенскдан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Спортлото» тиражи. 00.15 Янгиликлар.

Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади. 11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Электролитларда ток». Физикадан ўқув кўрсатуви. (ўзб.). **Рус тилида:** 12.00 «Ернинг қайноқ нафаси», «Зумрад дон ҳақида сўз». Телевизион ҳужжатли фильмлар. 12.25 «Электролитларда ток». Физикадан ўқув кўрсатуви. **Москва кўрсатади.** 18.15 «Горнчилар, қаердасиз!» 19.00 Янгиликлар. 19.15 «Қувноқ ноталар». 19.30 «Фан оламида. 20.00 РСФСРда хизмат кўрсатган артист А. Покровский ижросида рус қўшиқлари ва романслари. 20.45 Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси. 21.30 Катталар учун мультфильмлар программаси.

Учинчи программа. Тошкент кўрсатади. 18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Чизма геометрия (ўзб.). 20.00 Тошкент янгиликлари. 20.15 Олий лигадаги хотин-қизлар командалари ўртасида баскетбол бўйича СССР чемпионати. «СКИФ» (Тошкент) — «ИНЖДОРСТРОЙ» (Кишинёв). «Ешлик» спорт майдонидан олиб кўрсатилади. 21.15 «Тошкент» телепрограммаси. «Беш йиллик маршрутлари бўйлаб» (ўзб.). 21.45 Ўқитувчилар учун консультация (рус.).

11 МАРТ — ПАЙШАНБА

Биринчи программа. Москва кўрсатади. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.30 «Горнчилар, қаердасиз!» 11.15 «Бир микрорайонда». Кўп серияли телевизион спектакль. 1-серия. 15.55 «Олег Акулининг миллионлари». Телевизион ҳужжатли фильм. 16.10 «Шахмат мактаби». Разрядлилар учун. 16.40 «Совет давлати ва ҳуқуқи асослари». «Совет гражданларининг асосий ҳуқуқлари ва бурчлари». 17.10 «Адабий учрашувлар». В. Кожевников. 17.55 «Сўз — олимларга». **Тошкент кўрсатади.** 18.10 Кўрсатувлар программаси. 18.15 Ўсмирлар учун. «Старшеклассник». (рус.). **Ўзбек тилида:** 18.45 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Сенинг замондошинг». КПСС XXV съездининг делегатлари ҳикоя қиладилар. 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «КПСС XXV съезди қарорлари — ҳаётга!» Н. Злобин методи асосида. 20.00 Ўн минут музика. **Москва кўрсатади.** 20.10 «Социалистик турмуш тарзи ва халқ фаровонлиги». Биринчи кўрсатув. Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи Л. Вознесенский олиб боради. **Тошкент кўрсатади. Ўзбек тилида:** 20.55 «Ахборот» информацион программаси. 21.15 КПСС XXV съезди делегатлари ҳикоя қиладилар. 21.25 Қўшиқлардан концерт. **Москва кўрсатади.** 22.00 «Вақт» информацион программаси. **Тошкент кўрсатади.** 22.30 «Ўзбекфильм». «Давр проблемалари». Ўзбекистон кинематографчиларининг IV съездига бағишланган кўрсатув (рус.). 23.40 Кўрсатувлар программаси.

Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади. 11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Ҳайвонот дунёсининг ранг-баранглиги». Зоологиядан ўқув кўрсатуви (ўзб.). **Рус тилида:** 12.00 Телевизион ҳужжатли фильм. 12.25 «Ҳайвонот дунёсининг ранг-баранглиги». Зоологиядан ўқув кўрсатуви. **Москва кўрсатади.** 18.10 «Қувноқ ноталар». 19.00 Янгиликлар. 19.15 «Ҳамма нарсани билишни истайман». Киножурнал. 19.25 «Жаҳон халқларининг ижоди». **Тошкент кўрсатади.** 20.10 «Орган концерти». Тошкент Давлат консерваториясининг студентлари ижро этадилар. **Москва кўрсатади.** 20.55 «Бир микрорайонда». Кўп серияли телевизион спектакль премьераси. 2-серия. **Тошкент кўрсатади.** 22.00 Ота-оналар учун консультация (ўзб.). **Москва кўрсатади.** 22.30 «Дўстларимиз чеҳраси» 23.15 «Музикали абонемент». Л. Бетховен. 5-симфония. 23.55 Янгиликлар.

Учинчи программа. Тошкент кўрсатади. 18.55 Кўрсатувлар программаси. **Ўзбек тилида:** 19.00 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Назарий механика. 20.00 Тошкент янгиликлари. 20.15 «Чолғу асбоблари тарихидан». 20.50 «Танишинг, Балуев», Бадиий фильм.

12 МАРТ — ЖУМА

Биринчи программа. Москва кўрсатади. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.30 «Қувноқ ноталар». 11.20 «Бир микрорайонда». Кўп серияли телевизион спектакль. 2-серия. 16.00 «Ихтирочи». 16.30 «Москва ва москваликлар». 17.00 Болалар учун. «Сариқ чамадончанинг саргузашти», Бадиий фильм. **Тошкент кўрсатади.** 18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 Болалар учун телефильм. **Рус тилида:** 18.30 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Биз 70-йиллар комсомоллари». 19.00 «Ивановлар оиласининг бахти». Телевизион очерк. 19.30 «Ахборот» информацион программаси. **Ўзбек тилида:** 19.45 «Ўзбекистон чорвадори». 20.15 Ўзбек куйларидан концерт. 21.00 «Ахборот» информацион программаси. 21.20 Э. Воҳидов. «Олтин девор». Ҳамза номли Ўзбек Давлат Академик драма театрининг спектакли. **Москва кўрсатади.** 22.00 «Вақт» информацион программаси. **Тошкент кўрсатади.** 22.30 «Олтин девор» спектаклининг давоми. 00.10 Кўрсатувлар программаси.

Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади. 11.25 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида:** 11.30 «Эволюциянинг йўллари ва йўналишлари». Биологиядан ўқув кўрсатуви. 12.00 «Оққуш қўшиғи». Телевизион фильм. 12.25 «Эволюциянинг йўллари ва йўналишлари». Биологиядан ўқув кўрсатуви (ўзб.). **Москва кўрсатади.** 18.15 «Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун». Ленинграддан олиб кўрсатилади. 19.00 Янгиликлар. 19.15 «Расмларда қуёш акси бор». 19.30 «Жасорат». 20.00 РСФСР халқ артисти Е. Образцова концерти. 20.55 «Бир микрорайонда». Кўп серияли телевизион спектакль премьераси. 3-серия. **Тошкент кўрсатади.** 22.00 «Жанговар постда». (ўзб.). **Москва кўрсатади.** 22.30 ССР Иттифоқи Давлат Академик халқ рақс ансамблининг кечаси. 23.45 Сузиш бўйича СССР. — ГДР терма командалари матчи. Таллиндан олиб кўрсатилади. 00.55 Янгиликлар.

Учинчи программа. Тошкент кўрсатади. 18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Физика (ўзб.). 20.00 Тошкент янгиликлари. **Рус тилида:** 20.15 «Тошкент» телепрограммаси. «Тошкент ва тошкентликлар». 20.45 «Торли квартет». Фильм-концерт. 21.15 «Сен етим эмассан». Бадиий фильм.

13 МАРТ — ШАНБА

Биринчи программа. Москва кўрсатади. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.30 «Эртак қандай тасвирланади». 11.00 Ота-оналар, Сизлар учун. 11.30 «Бир микрорайонда». Кўп серияли телевизион спектакль. 3-серия. 12.35 «Тонгги почта» музикали программаси. 13.05 «Музей ва кўргазма заллари бўйлаб». КПСС XXV съездига бағишланган «Меҳнатга шон-шарафлар!» Бутуниттифоқ бадиий виставкаси. Иккинчи кўрсатув. 13.35 «Табиат ва инсон». 14.05 «Музикали календарь». Н. А. Обухова туғилган кунининг 90 йиллигига. 14.25 «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик». 15.00 Телевизион ҳужжатли фильм. 15.15 «Здоровье» программасининг почтаси. 15.45 «Рус тароналари ҳамма жойда таниш». Концерт. Ленинграддан олиб кўрсатилади. 16.15 «Правда» газетасининг сиёсий шарҳловчиси Ю. А. Жуковнинг халқаро мавзулардаги суҳбати. 17.00 Хоккей бўйича СССР чемпионати. МАСК—«ХИМИК» (Воскресенск). В. И. Ленин номли Марказий стадион Спорт саройидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида Янгиликлар. **Тошкент кўрсатади.** 19.15 Кўрсатувлар программаси. 19.20 «Ахборот» информацион программаси (рус.). **Ўзбек тилида:** 19.35 «Зангори экран» почтаси. 20.05 КПСС XXV съезди делегатлари ҳикоя қиладилар. 20.15 Телевизион театр. М. Ю. Лермонтов. «Демон». 21.00 «Ахборот» информацион программаси. 21.20 Фаттохон Мамадалиев ва Ҳайдаржон Йўлдошев куйлайди. **Москва кўрсатади.** 22.00 «Вақт» информацион программаси. **Тошкент кўрсатади.** 22.40 «Дўстга дўман, душманга дўст». Бадиий фильм. (ўзб.). 23.55 Кўрсатувлар программаси.

Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади. 10.05 Кўрсатувлар программаси. 10.10 Янгиликлар. **Ўзбек тилида:** 10.20 Мактаб ўқувчилари учун. «Санъат гунчалари». 10.50 Телевизион миниатюралар театри. 11.30 «Вулкан билан биргамиз». Бадиий фильм. 12.35 Москвада ўзбек совет поэзияси кунлари (рус.). 13.00 Лирик концерт. 13.55 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Француз тили. 14.25 «Иқбол» программаси. «Хотин-қизлар, Сизлар учун!» 14.55 Ўқитувчилар учун консультация. Болалар учун «Камалак» программаси. 18.15 Мультфильм. 18.35 «Юлдузча» (ўзб.). 19.05 Врач суҳбати (ўзб.). **Москва кўрсатади.** 19.15 Мультфильмлар программаси. 20.00 «Мўъжизасиз — мўъжизалар» 21.00 «Оқ айиқ». Телевизион фильм. **Тошкент кўрсатади.** 22.00 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Инглиз тили. **Москва кўрсатади.** 22.30 Чет эл эстрада артистларининг концерти. 23.25 Спорт гимнастикаси бўйича СССР чемпионати. Аёллар. Тбилисидан олиб кўрсатилади. 23.55 Янгиликлар.

Учинчи программа. Душанба кўрсатади. 17.00 Кўрсатувлар программаси. 17.05 «Пионер» студияси кўрсатади (рус.). 17.30 «Коммунистлар ҳақида ҳикоялар». 17.40 «Музикали экран». 18.10 Янгиликлар. 18.15 «Киноҳаваскорлар клуби» (тожик тилида). 19.15 Телевизион фильм. 19.30 «Ахбор». 19.45 Концерт. (тожик тилида). 20.30 Бадиий фильм (тожик тилида). 22.00 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.30 Адабий суҳбатлар (тожик тилида). 23.00 Ленинград филармониясининг концерти. «Иракли Андронников». Телевизион бадиий фильм. (рус.). 00.25 Кўрсатувлар программаси.

14 МАРТ — ЯКШАНБА

Биринчи программа. Москва кўрсатади. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Зарядкага сафланинг. 10.30 «Будильник». 11.00 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан». 12.00 Болалар учун. «Боба ва фил». Телевизион бадиий фильм. 13.05 Концерт. 13.30 Қишлоқ янгиликлари. 14.30 «Музикали киоск». 15.05 «Шоир Ярослав Смеляков». 15.50 Адабий асарларни экранлаштириш. «Сўна». Бадиий фильм. 17.30 Концерт. 18.00 Халқаро панорама. **Тошкент кўрсатади.** 18.30 Кўрсатувлар программаси. Болалар учун «Камалак» программаси. 18.35 «Малишок» (рус.). 19.05 «Қўғирчоқлар рақсга тушади». Қўғирчоқ фильм. 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). **Ўзбек тилида:** 19.30 «Халқаро шарҳловчилар давраси». КПСС XXV съезди совет давлатининг ташқи сиёсий фаолияти тўғрисида. 20.00 «Ахборот» информацион программаси. 20.20 Телевизион миниатюралар театри. **Москва кўрсатади.** 21.00 «Киносаёҳатчилар клуби». 22.00 «Вақт» информацион программаси. **Тошкент кўрсатади.** 22.30 «Қўшиқчи шоирлар». Миртемир. 23.30 Кўрсатувлар программаси.

Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади. 10.05 Кўрсатувлар программаси. 10.10 Янгиликлар. 10.20 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ стартлар». 11.20 «Азимут» ўлкашунослик клуби (рус.). 11.50 «Назм ва наво». Лутфий лирикаси. 12.50 Адабий театр. Б. Бойқобулов. «Италия шеърлари». 13.20 «Зулмат қўйнидаги юлдуз». Бадиий фильм. 14.45 «Ҳаракат хавфсизлиги учун» (рус.). 15.25 Реклама. **Москва кўрсатади.** 18.30 Мультфильмлар программаси. 19.00 Янгиликлар. 19.15 КПСС XXV съездига бағишланган спорт байрами. В. И. Ленин номли Марказий стадион Спорт саройидан олиб кўрсатилади. **Тошкент кўрсатади.** 21.00 Баскетбол бўйича олий лигадаги хотин-қизлар командалари ўртасида СССР чемпионати. СКИФ (Тошкент) — «УНИВЕРСИТЕТ» (Олмаота). «Ешлик» спорт майдонидан олиб кўрсатилади. 22.00 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Немис тили. **Москва кўрсатади.** 22.30 «Катта симфоник оркестр билан бир соат». 23.30 Сузиш бўйича СССР — ГДР терма командалари матчи. Таллиндан олиб кўрсатилади. 24.00 Янгиликлар.

Учинчи программа. Фрунзе кўрсатади. 17.00 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида:** 17.05 Экран боладарга. 17.35 «Ўртоқ бригада». Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 18.40 Экран — механизаторларга. 19.10 Реклама ва эълонлар. **Қирғиз тилида:** 19.20 «Қирғиз санъатининг арбоблари». 20.30 «Биллур коса». Телефильм. 20.40 «Бўйдоқлар». Ленин орденли Қирғиз Давлат опера ва балет театрининг спектакли. 22.00 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.30 Кўрсатувлар программаси. 22.35 «Ўртоқ бригада». Телевизион бадиий фильм. 2-серия (рус.). 23.40 Кўрсатувлар программаси.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

КИНО

5 МАРТДА

Дельфин куни — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун), «ҚОЗОҒИСТОН» (жуфт соатларда), «ДРУЖБА» (тоқ соатларда).

Миллионни қандай ўғирлаш керак? — «ЧАЙКА» (18.00, 20.30).

Биринчи муҳаббатим — «ЎЗБЕКИСТОН», «ДРУЖБА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда), «ҚОЗОҒИСТОН» (тоқ соатларда), «МОСКВА» (18.00, 19.30, 21.00).

Бобби — САНЪАТ САРОЙИ (кечқурун)

Сайха — НАВОИЙ номли (кечқурун).

Йўқолган экспедиция — «ВОСТОК» (кечқурун).

Полиция комиссари қоралайди — «НУКУС» (кечқурун).

6 МАРТДА

Дельфин куни — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «ҚОЗОҒИСТОН» (жуфт соатларда), «ДРУЖБА» (тоқ соатларда), «ЧАЙКА» (12.00, 14.00, 16.00, 18.00).

Биринчи муҳаббатим — «ЎЗБЕКИСТОН», «ДРУЖБА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда), «ҚОЗОҒИСТОН» (тоқ соатларда), «МОСКВА» (10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 18.00, 19.30, 21.00).

Бобби — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Сайха — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Йўқолган экспедиция — «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Полиция комиссари қоралайди — «НУКУС» (кундуз ва кечқурун).

Миллионни қандай ўғирлаш керак? — «ЧАЙКА» (18.00, 20.30).

СИЗ СОВҒА ТАНЛАДИНГИЗМИ?

ҲУРМАТЛИ ЭРКАКЛАР!

8-МАРТ БАЙРАМИ АРАФАСИДА МАГАЗИНЛАРИМИЗДАГИ АСОСИЙ ХАРИДОРЛАР СИЗ БЎЛАСИЗ. ОНАЛАР, ХОТИНЛАР ВА СЕВИМЛИ ЕР УЧУН ЭНГ ЧИРОЙЛИ СОВҒА БУЮМЛАРИНИ ТАНЛАШГА ШОШИЛИНГ.

«ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ»НИНГ МАГАЗИНЛАРИ

САВДОСИДА

БЛУЗКАЛАР, КЎЙЛАКЛАР, ХАЛАТЛАР, ПЛАЩЧЛАР, РАНГ-БАРАНГ ГАЗЛАМАЛАРНИНГ КЎПГИНА ХИЛЛАРИ БОР.

МАГАЗИНЛАРИМИЗНИНГ АДРЕСЛАРИ:

1 — «КИЙИМЛАР УЙИ» — Ш. Руставели кўчаси, 42-уй;
8 — Муқимий кўчаси, «Оқтепа» массиви;
12 — М. Горький проспекти;
36 — Новомосковская кўчаси, 17-уй;
47 — Новомосковская кўчаси, 18-уй;
36 — Фарҳод ярмаркаси;
39 — 4-турар-жой шаҳарчаси, XXI партия съезди кўчаси;
55 — «Октябрь» массиви;
65 — «Қўйлиқ» массиви;
74 — Госпитал бозори;
10-49, 9 — Олой бозори;
18, 19, 22, 35 — Октябрь колхоз бозори;
7 — Олмазор кўчаси, 169-уй.

«ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ»

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 6|III да **Кўрмайин босдим тиконни**, 7|III да **Ой тутилган тунда**, 8|III да **Уйланиш** (12.00, 19.30).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 5|III да **Ҳонума хоним**, 6|III да **Олифта**, 8|III да **Қўлга тушмаган ўғрими.**

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Моддий-техника таъминоти Бош бошқармаси ҳузуридаги «Узглавлесбумснабсбыт» канцеляриясининг йўқолган ПЕЧАТИ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

5 МАРТ — ЖУМА

Биринчи программа. Москва кўрсатади. 18.00 «Олга, болакайлар». 19.00 КПСС XXV съезди кундалиги. 19.30 «Қувноқ, ноталар». 19.45 КПСС XXV съезди делегатлари билан учрашув. 20.15 Экранда — кинокомедия. «Баҳор». Бадиий фильм. 22.00 «ВАҚТ» информацион программаси. КПСС XXV съездида. 23.00 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «ДИНАМО» (Москва) — «СПАРТАК». 2 ва 3-даврлар В. И. Ленин номли Марказий стадион Спорт саройидан олиб кўрсатилади. 00.15 Янгиликлар.

Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади. Болалар учун мультфильм. 18.15 «Мусобақа туфайли туғилган». Ўзбекистон— Тожикистон. 18.45 «Ахборот» информацион программаси. 19.00 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Ишчи шу ердан бошланади». **Ўзбек тилида:** 19.30 «Чорвачилик — зарбдор фронт». 20.00 «Бўстон» телевизион журнали. 21.00 «Ахборот» информацион программаси. 21.20 Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 22.00 **Москва.** «Вақт» информацион программаси. КПСС XXV съездида. 23.00 «Оламга саёҳат». 24.00 Кўрсатувлар программаси.

Учинчи программа. Тошкент кўрсатади. 18.55 Кўрсатувлар программаси. **Ўзбек тилида:** 19.00 «Совет давлати ва ҳуқуқи асослари». 19.30 «Тошкент» телепрограммаси. «Тошкент ва тошкентликлар». (рус.). 20.00 Тошкент янгиликлари. 20.15 «Москвани айланиб». Бадиий фильм.

ҚАНДАЙ СОВҒА МАЪҚУЛ

ШЛЯПАЛАР, СОЯБОНЛАР, ЧУЛКИЛАР, АТИРЛАР, КИЙИМЛИК ГАЗЛАМАЛАР, СОАТЛАР, МАРВАРИДЛАР, ХОТИН-ҚИЗЛАР ЗИЙНАТЛАРИ, ИДИШЛАР ТЕРМАСИ, БЕЗАКЛАР, МАЙИН ИЧКИ КИЙИМЛАР...

«ТАШПРОМТОРГ»НИНГ МАГАЗИНЛАРИ

8 МАРТ ХОТИН-ҚИЗЛАР БАЙРАМИГА АТАБ МИНГЛАБ РАНГ-БАРАНГ СОВҒАЛАРНИ ТАЙЁРЛАБ ҚЎЙДИ.

«СОВҒАЛАР» ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАГАЗИНЛАРИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ.

СИЗ БУ ЕРДАН ҚУЙИДАГИ НАФИС БУЮМЛАРНИ ХАРИД ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН:

Табиий ва сунъий шойидан тайёрланган рўмоллар;

Мамлакатимизда ва чет элларда чармдан ишланган кўчалик сўмкачалар, ҳамёнлар ва белбоғлар;

Миллий сопол буюмларнинг термаси;

Циферблати турли формада ишланган ва оддий циферблатли, олтин, олтин суви берилган соатлар;

Рангли шиша ва биллурдан ишланган вазалар, фужерлар, рюмкалар;

Ўрин-кўрпаларнинг ғилофли комплектлари;

Чиройли безакланган совға қутилари; «Красний Цветок», «Нарцис», «Галубие цвети», «Гулистон», «Лайли», «Ўзбекистон», «Шарқ», «Рассвет» атирлари.

Ҳар қандай дидга ва исталган ёшга мос келадиган одеколонлар, упалар, кремлар, помадалар, лосьонлар.

МАГАЗИНЛАРИМИЗ АДРЕСИ:

42 — «СОВҒАЛАР» — «Чилонзор» массиви, 5-квартал, Халқлар дўстлиги проспекти;
48 — «БАХТ» — Ш. Руставели кўчаси, 110-уй;
65 — Фарҳод кўчаси, 20-уй;
99 — «СОВҒАЛАР» — Луначарский шоссеси 123-уй;
188 — «СОВҒАЛАР» — Навоий кўчаси, 14-уй.

«ТАШПРОМТОРГ».

«УЗТОРГРЕКЛАМА»

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 4 бет.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ТОШКЕНТ, ГСП, «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ, 26-УЙ.

ТЕЛЕФОНЛАР: коммутатор—33.02.49 дан 33.02.58 гача, Эълонлар бўлими—33-81-42.

5 МАРТ, 1976 й.

Р — 02253.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. «Правда Востока» кўчаси, 26.

ИНДЕКС 64579. Нашр В—3031.